

**Ойниса МУХАММАДИЕВА**

**МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ  
ИЖТИМОЙИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ**

**(Услубий қўлланма)**

Тошкент  
«Fan va texnologiya»  
2010

О.Мухаммадиева. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2010, 76 бет.

*Ушбу услубий қўлланмада Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафаси ва ахлоқий қарашларининг жамият тараққиёти, баркамол авлод тарбияси, талабаларнинг қалбида миллий гурур, ватанпарварлик туйғусининг камол топиши учун қанчалик зарур эканлиги кўрсатиб ўтилган. Чунки фуқаролик жамиятини барпо этиши маънавий-ахлоқий ислохотлар билан уйғун ҳолда олиб борилар экан, бунда албатта талабаларга фалсафа тарихи, ахлоқиunosлик ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишида тарихий меросимизни тушунтириб ўтиши мақсадга мувофиқдир.*

*Ушбу услубий қўлланмада Мирзо Бедилнинг яхшилик, эзгулик, саховат, қарам, сабр, ҳаё, инсонпарварлик, ватанпарварлик, қомил инсон, ишқ-муҳаббат каби ахлоқий қадриятлар борасидаги қарашлари ўрганилган. Шунингдек, қўлланмада мутафаккир ахлоқий қарашларини талабаларга ўргатишида қўлланилиши мумкин бўлган янги педагогик технологияларнинг самарали усуллари ҳам кўрсатиб берилган.*

*Мазкур қўлланма «Фалсафа тарихи» фанида XVII-XVIII аср Марказий Осиё файласуфларининг фалсафий қарашлари ҳақидаги таълимотларини ўрганишида, «Этика» фанида «Ахлоқиunosлик тарихи» ҳамда ахлоқий тушунчаларни ўрганишида, «Ижтимоий фалсафа» фанида жамият тараққиётининг ривожланиши қонуни ва жамиятнинг маънавий соҳаларини, шунингдек, «Миллий гоя» фанининг асосий гоялари, «Миллий гоя ва маънавий қадриятлар» «Миллий гоянинг умумбашарий тамойиллари» каби мавзуларни ўрганишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.*

Услубий қўлланма Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети «Миллий гоя ва ижтимоий фалсафа» кафедрасининг 2009 йил 24 июндаги мажлисида, фалсафа факультети Илмий Кенгашининг 2009 йил 30 июндаги йиғилишида ҳамда Ўзбекистон Миллий университети Илмий-методик Кенгашининг 2009 йил 28 августдаги мажлисида нашрга тавсия этилган.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Инсон ўзини шахс сифатида англаганидан бошлаб, умрининг охирига қадар маънавиятини шакллантиради, ривожлантириб боради. Инсоннинг ўз маънавиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиздир. У инсоннинг бутун онгли фаолияти давомида шаклланади, ривожланади.

Ёшларни тарбиялашда тарихий хотира, аجدодлар тарихи, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бирон-бир халқ ўз тарихини билмай, асрлар оша яратилган меросга таянмай, уни янада ривожлантирмай туриб, ўз келажагини тасаввур эта олмайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланар экан, тарих эса халқнинг миллий-маънавий бойлиги, фахри ва ғуруридир. Чор Россияси Марказий Осиёни истило қилишида ҳам уларни чўчитган асосий нарса, бу туркий халқларнинг тарихи, ўтмиши ва маънавий мероси эди. Бу ҳақда Чор Россиясининг генерали М.Г.Черняев подшога ёзган махфий хатида билдирган фикри бунга ёрқин далилдир: «Бу ерда ҳар қандай кўшинни тўзғитиб юборадиган бир қудратли куч бор: бу туркистонликларнинг кечмиш хотираси... Демакки, туркларнинг биргина ўзини енгил кифоя эмас. Уларнинг хотираларини, тарихини ҳам енгмоқ керак»<sup>2</sup> - деб ёзади. Тоталитар тузум мафкурасини халқимиз бошига келтирган энг катта зарардан бири ҳам халқимизни тарихидан, ўзлигидан жудо қилиш йўлидаги сиёсати бўлди.

Мустақиллик туфайли бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида ўзликни англашнинг ўзига хос кўринишларини англамасдан маънавий юксалиш ва тараққиёт даражасини аниқлаб бўлмайди. Чунки юксак ривожланган жамият ўзлигини англаган шахслардан таркиб топади. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида талқин этилганида, унинг мустақил тафаккурга, эътиқодга, бунёдкорлик қудратига, ўзгалар ва бутун борлиқ олдидаги масъулият туйғусига эга эканлиги назарда тутилади<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, шахс маънавиятини шакллантиришнинг муҳим босқичи, зарурий шarti инсоннинг ўз-ўзини англашидан бошланади. Ўзликни англаш эса тарихни билишдан бошланади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»<sup>2</sup>.

Маънавият ўзликни англашдир. Ўзлигини англаб етган инсон - маънавий етук шахс. Унинг барча инсоний фазилатлари қалбдаги маънавият нурунинг жилоларидир.

Ўзбек халқининг холислик, инсофлилик, иймон, диёнат, уят, ор-номус, ҳалоллик, ишбилармонлик каби ахлоқий қадриятлари жаҳон халқлари орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, миллатимизнинг умуминсоний қадриятларига хайрихоҳ эканлигини кўрсатиб келган. Афсуски, большевиклар бошлаган сиёсий жараёнлар бу авлоднинг бой меросини ўз домига торгди, унинг тақдири аянчли кечди, таҳқирлаб қўйилди. Ўтмиш авлодлар ардоқлаган ва буюк аجدодларимиздан мерос қолган шарқона кадрлаш мезонларини юз ўттиз йил саробга айлантириш учун қилинган урунишларнинг оқибатлари ҳалигача сезилиб туради. Фақат мустақиллик йилларига келибгина ушбу соҳада ҳам ижобий силжишлар бошланди.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида Ўзбекистон тараққиётини белгиловчи асосий мезонлар сифатида миллий ва умуминсоний қадриятларга алоҳида эътибор берилган. Унда инсонпарварлик, инсоннинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, шон-шарафи ва кадр-қиммати, халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, Ўзбекистонга қайтариш, халқнинг миллий маданияти ва ўзига хошлигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, Республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданиятлари ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қадриятларини қарор топтириш, ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш ва бошқа шу каби қадриятларга давлат сиёсати даражасида қаралганлиги муҳим аҳамиятга эгадир<sup>1</sup>. Инсонпарварлик ғояларига садоқат, демократия, ижтимоий адолат ҳамма ерда барқарор бўлишига интилиш, инсон ҳуқуқларини поймол этилишига йўл қўймаслик, ҳамма халқларнинг миллий мустақиллик учун бўлган курашларини ҳимоя қилиш, кишиларни дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка чорлаш, ҳамма ерда тинчлик, осойишталик қарор топишига ҳаракат қилиш, атроф-муҳитни тоза саклаш, умуминсоний қадриятларнинг ҳозирги кунда катта аҳамият касб этаётган жиҳатларидир. Ёшларни ўзлигини, миллий ўзлигини англашида, уларнинг ижодий куч ва имкониятлари, қобилиятларининг камол топишида қадриятларнинг аҳамияти каттадир. Уларни ёшларимизнинг эътиқодига айлантириш узлуксиз амалга ошириладиган жараёндир.

Инсоннинг энг катта орзуси бахтли ва фаровон ҳаётдир. Бу ҳаётга ҳақиқатни ҳеч ким инкор этмаслиги шубҳасиз. Бахт ва фаровонлик ўз-ўзидан амалга ошадиган ҳодиса эмас, албатта. Адолатли, инсонпарвар жамиятда инсоннинг ана шу орзу-умидларини амалга ошириш имконияти мавжуд бўлади. Ўзбекистон ўз эрки ва озодлигини қўлга киритган илк кунлардан бошлаб, халқимизнинг бахтли ва

фаровон турмуши учун шарт-шароитлар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу мақсад йўлида давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг Ўзбек модели бугун босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилиб бормоқда. Энг муҳим вазифа шундан иборатки, олдимизга қўйган улуғ ва буюк мақсадни амалга оширишда мамлакатимизнинг қарийб 64 фоизини ташкил этувчи ёшларимизнинг иқтидори, интеллектуал салоҳияти, маънавий баркамоллигига бевосита боғлиқдир.

Ислохотларнинг моҳиятини таҳлил қиладиган бўлсак, бугун ёшлар тарбияси ва комил инсон масаласида янгича ёндашувни йўлга қўйилганлигига гувоҳ бўламиз. Бу таълим-тарбия тизимининг уйғунлиги, уларни бир-бири билан узвий боғлиқлигидадир. Айни вақтда маънавий камолот кўплаб муаммоларни бартараф этишнинг калити сифатида майдонга чиқмоқда. Буни биз тарихий, фалсафий ва ахлоқий меросимизни чуқур ўрганиш орқали ҳам билишимиз мумкин. Тарихий адабиётларимизнинг аксариятида жамият тараққиёти комил инсонлар билан белгиланиши акс этган. Шу нуқтаи назардан қараганимизда комил инсон, баркамол авлодни тарбиялаш жамиятимиз олдидаги муҳим ва долзарб вазифа эканлигига яна бир бор иқрор бўламиз. Президентимиз томонидан 2010 йилни «Баркамол авлод» йили деб эълон қилинишида ҳам ўзига хос маъно бор. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, аввало, биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олийжаноб ҳаракатларимизнинг негизиде нима туради? Бу саволга ҳаммамиз табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деган фикрлари ҳам айни ҳақиқатдир<sup>1</sup>. Давлат сиёсати даражасига кўтарилган баркамол авлод тарбияси учун қабул қилинган дастурда белгиланган чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ ажратилганлиги олимимизда турган вазифанинг нақадар масъулиятли эканлигидан далолат беради.

Баркамол авлод тарбиясининг муҳим омилларида бири ахлоқий кадриятлар, десак муболаға бўлмайди. Чунки ахлоқий мезонлар билан безанган инсонгина буюк ишларга қодир бўлади. Агар тарихимизга эътибор берадиган бўлсак, буюк аллома ва файласуфларимизнинг асарларида ҳам жамият бошқаруви, бола тарбияси масаласида аввало ахлоқий кадриятлар илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, энг қадимий тарихий, диний ва фалсафий манбаларимиздан бўлган «Авесто»да «эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» ғоясини илгари сурилишида ҳам ахлоқий кадриятларнинг инсон камолоти, жамият тараққиёти учун нақадар муҳимлиги кўринади. Улуғ бобокалонимиз Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари бундан бир неча аср аввал яратилганига қарамай, ушбу манбада ҳам ахлоқий кадриятлар масаласи жамият ҳаёти учун қанчалик муҳим эканлиги акс этган. Бу китоб Қошғарда ёзилиб, Машриқ подшоҳи Тавғачхон ҳузурига келтирилгач, подшоҳ уни тақдирлаб, ўз саройида ҳос ҳожиб лавозимига тайинлаган. Шунинг учун у Юсуф Ҳос Ҳожиб номи билан машҳур бўлган. «Қутадғу билиг»да бири – адл, иккинчиси – давлат, учинчиси – ақл, тўртинчиси – қаноат, яъни буларнинг ҳар бирига туркча ном берилган. Адлга – Кунтуғди элиг номи берилиб, подшо ўрнида тутилган, давлатга Ойтўлди номи берилиб, вазир лавозимига қўйилган, ақлга Ўғдулмиш номи берилиб, вазирнинг ўғли ўрнида тутилган, қаноатга Ўзғурмиш номи берилиб, Ўғдулмишнинг қариндоши дейилган. Кўриб турганимиздек, жамиятнинг равнақи, инсонинг бахт-саодатга эришуви давлатда адолат, давлат, бахт ва қаноатнинг барқарорлиги билан тавсифланади. Асарда илгари сурилган «Оламга одамзод сара мавжудот сифатида келди, у салоҳият, билим ва заковатга эга бўлди. Унга табиат ақл ва онг ато қилди, сўзлаш қобилиятини берди, уни андиша, хушхулқ ва гўзал феъл билан таъминлади. Унга билим ҳадя қилди, шу туфайли инсон улуғликка эришди, заковатлар ато қилди, шу туфайли инсон чигал жумбоқларни ҳал қилди. Табиат кимга заковат, ақл-идрок, билим берса, у эзгу ишлар қилишга қўл уради. Билимнинг буюклигини ва заковатнинг улуғлигини англаган, бу иккаласига эга бўлган сара кишилар улуғликка эришадилар. Одамзотда заковат бўлса нафи каттадир, билим ўрганган кишилар азиз ва қадрли бўладилар»<sup>1</sup>, - деган фикр бугунги авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, гўзал хулқ-атвор, ақл-идрок, билим ва заковатга эга бўлиш инсонни улуғворликка, азиз ва қадрли бўлишга ундайди. Ушбу фазилатлар инсонни бахтли ва фаровон турмуш кечиришида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мутафаккир аллома Юсуф Ҳос Ҳожиб томонидан маълум тизимга солинган ахлоқий кадриятлар XVII-XVIII асрда яшаб ижод этган забардаст файласуф-шоир Мирзо Абдулқодир Бедил ижодида янада ривожлантирилганлигини кўрамыз.

Жамият тараққиёти, мамлакатнинг барқарорлиги, инсон ҳаётининг кадр-қиммати бевосита шу жамият кишиларининг ахлоқий кадриятларни қанчалик эъзозлаши, ахлоқий тушунчаларга риоя қилиниши, қолаверса, ахлоқий тамойиллар билан уйғунлашган илм-маърифатнинг равнақи билан узвий боғлиқлигини Мирзо Бедил жуда яхши англаган. Шунинг учун ҳам мамлакатни озод, инсонларни бахтиёр, подшоларни адолатли кўриш файласуфнинг орзуси эди.

## МИРЗО БЕДИЛ ФАЛСАФАСИДА АХЛОҚИЙ ТУШУНЧАЛАР ТАЛҚИНИ

Шарқнинг улкан файласуф-шоири Мирзо Абдулқодир Бедил 1644 йил Ҳиндистоннинг Азимобод шаҳрида туғилган. Бедилнинг исми Мирзо Абдулқодир, баъзи бир тазкирачиларнинг таъкидлашларига қараганда, Чиғатой туркларининг Барлос уруғидан эканлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бедил ва унинг қариндошлари номларининг «Мирзо» унвони билан бошланиши шуни кўрсатадики, боболарининг бири улуғ бошлиқ «сардор» бўлиши мумкин. Чунки Ҳиндистонда атоқли бошлиқлар авлодини «Мирзо» деган фахрли унвон билан атаганлар ва улар ўзига хос бир табақа ҳисобланар эди<sup>1</sup>. Мирзо Бедилнинг буюк аждодларимиздан эканлигини исботловчи яна бир мисолга диққатни қаратадиган бўлсак, «Мирзо» калимаси ҳақида Миён Бузрукнинг «Бедил» мақоласида қизиқарли маълумот келтирилади. «Бедилнинг исмидаги «Мирзо» калимаси унинг темурий сулоласидан эканлига очиқ далилдир, чунки «хон» калимаси мўғул сулоласига қандай хос бўлса, «Мирзо» калимаси ҳам темурийларга шундай хосдир. Бедилнинг боболари Ўрта Осиёдан Ҳиндустонга ғолиб Бобир Мирзо замонларидан бориб қолганлар ва Бангўлсмитда Азимобод шаҳрида ерлашганлар<sup>2</sup>, - деб ёзади муаллиф.

«Бедил» атамасини сўфиёна, ошиқона таҳлил этадиган бўлсак, дил, кўнгил, қалб билан боғланиб келаётгани кишини бефарқ қолдирмайди. «Бедил» бадий адабиётда дилини қўлдан берган ошиқ-маъшуқ маъносини англатади. Шунингдек, ўз ишини қалби билан севган, кўнгилни фан ва адабиётга бағишлаганини англатиши ҳақида ҳам фикрлар бор<sup>3</sup>. Ушбу фикрни исботи ўларок, яна шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, «Бедил» дейишнинг маъноси аниқ: ошиқ ёрга шу қадар махв бўлганки, маъшуқа тажалли айлайдиган макони - дилнинг ўзини ҳам олиб кўйган, тамоман забт этган, шу сабабдан у Бедил (дилсиздир)<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, гарчи «Бедил» тахаллуси бир қарашда дилсиз, қалбсиз кўринса-да, аслида бутун қалби ва дилини Аллоҳга бағишлаган маъшуқ маъносини уқиб олишимиз мумкин. Файласуф-шоир бу ҳақда шундай дейди:

Бедил осудатар аз мавчи гуҳар ҳок шудем,  
Рафтан аз ҳеш чи миқдор ба тамкин омад.

«Гавҳарнинг секин-секин мавж уриши билан увадаланиб, бедил бўлиб бордик, (энди) ўзликдан қутулишнинг (воз кечишнинг) қай даражада имкони қолди экан?»<sup>2</sup>. Бунда шу нарса маълум бўладики, «бедиллик» ишқнинг мукамаллиги, ўзликдан кечиш, Аллоҳга бўлган чексиз ва барқарор муҳаббатнинг чегара – даражасидир. Бир сўз билан айтганда, Бедил ўз қалбини Аллоҳга бағишлаган файласуф-шоирдир.

Бедил ҳикмат – фалсафа ҳамда ҳандасага оид салафларининг асарларини ўрганди. Амакиси Мирзо Қаландардан бошқа Ҳиндистоннинг атоқли сўфийлари Мавлоно Камол, Шох Қосим, Хуваллайҳий, Шох Фозил, Шох Абдулфайз, Мирзо Зариф деган кишилардан сабоқ олади. Мирзо Бедил Шайх Камол кўлида ҳам таҳсил олган. Бедилнинг айтишича, Шайх Камол маърифатпарвар инсон бўлиб, ҳинд тили ва фалсафасини яхши билган, бу борада Бедил билан кўплаб суҳбатлар ўтказган. Мирзо Бедил Ҳиндистонда ўн бир подшоҳ ҳукмронлик қилган даврлардаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга гувоҳ бўлиб, 1721 йилда 77 ёшида Дехли шаҳрида вафот этади.

Мирзо Абдулқодир Бедил умрининг охирига қадар муттасил ижод қилиб, кўплаб лирик шеърлар, қасидалар, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ва таълимий руҳдаги асарлар ёзди. Файласуф-шоирнинг ижодий фаолияти 1665-1670 йиллардан бошланиб, 60 йил давом этди.

Мирзо Бедил ҳинд, эрон, араб каби кўплаб Осиё халқларининг илмий меросини чуқур ўзлаштирган етук олим саналади. Бундан ташқари, Мирзо Бедил Саъдий, Аттор, Румий, Жомий, Ҳофиз, Навоийларнинг асарларини ҳам чуқур ўрганган ҳамда улар идеалига ҳамнафас эканлигини ҳар қадамда намоён эта олган шахсдир.

Бедил 120 минг мисрадан ортиқ чуқур фалсафий мазмунга йўғрилган шеърлар ва 20 босма табоққа яқин насрий асарлар ёзиб қолдирган. Унинг «Куллиёт»и «Ирфон», «Чор унсур», «Ишорат ва ҳикоят» каби 16 та мустақил асарни ўз ичига олади. Бундан ташқари, у «Муҳити аъзам», «Тури маърифат», «Тилсими хайрат», «Девон», «Рубоийёт», «Нукот», «Руқъот» каби насрий асарларни ҳам ёзган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Бедилнинг ўзига хос услуби бор. Унинг асарларида ўта нозик ташбехот ва айниқса киноя ва истиоралар учрайди. Бедил ўз фикрларини очиқ-ойдин тарзда баён қилмайди. У ўз асарларида китобхоннинг онги, дунёқарашига кўпроқ таянади ва унинг ақлу заковатига комил ишонч билан қарар экан, кўп ҳолларда эътиборга молик ижтимоий масалаларни ифода этмоқ учун ҳаётдаги маълум воқеаларни кўздан яшириш билан қаноатланади. Буни китобхоннинг ўзига ҳавола қилади:

Ҳар бир рамз сен билан менда, эй инсон,  
Нозик фахмларга бу сирлар аён.

Ёқуб димоғидек нигоҳ пайдо қил,  
Кўйлаги исиди Юсуф намоён<sup>1</sup>.

Демак, Юсуф ва Зулайхо афсонасидаги Ёқуб Юсуфнинг кўйлаги ҳидида ўз ўғлини кўра олгани каби, нозикфаҳм эгаси бўлмиш китобхон ҳам кичик бир ишорадан, улкан бир фалсафий фикрни англаб ола билиши даркор.

Дарҳақиқат, Бедил ғояларини ифодалаган асарлар мазмунини тушуниш осон кечмайди. Ана шу соҳаларнинг барини ўзлаштирган одамгина Бедил айтганларидан хабардор бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Бедил асарларини ўқиб, уни китобхонларга тушунтириб берувчи «Бедилхонлар» майдонга келдилар<sup>1</sup>.

1880 йилда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Чорсу маҳалласида боғбон оиласида туғилган шоир, таржимон ва ношир Саййид Ҳайбатуллоҳ хўжа Хислат томонидан 1914-1915 йилларда ёзилган «Тухфаи Хислат» баёзида<sup>2</sup> бедилхонлик ҳақида маълумотлар келтирилган. Унда таъкидланишича, бедилхонлик суҳбатларида қатнашган Ҳофизхон ўғли Азизхон шундай ҳикоя қилади: «Зиёлилар орасида бедилхонлик энг олий суҳбатлардан ҳисобланарди. Агар бошқа бир шаҳар ёки ўзга юртлардан бирор машхур бедилхон келганлигини эшитиб қолинса, билимдонлар ўша одам қатнашган суҳбатда бўлишга интилар эдилар. Эсимда, 20-йиллари Қозондан Мусо Жоруллоҳ исмли олим келиб, бедилхонлик мажлисларида ғолиб чиқа бошлади. Чорсуда Мухторхон исмли машхур бедилхон яшар эди. Уни Мусо Жоруллоҳ қатнашган бир суҳбатга таклиф қилган эканлар. Суҳбатда Бедилнинг бир байтидан Мухторхон ўн икки маъно топибди. Шунда қозонлик меҳмон унга тан бериб, бу айтилган маъноларнинг ярми унга янги эканлигини, аммо булардан ташқари яна етти маъно ҳам бор эканлигини баён қилган. Демак, улар иккаласи бир байтдан ўн тўққиз маъно топишган экан»<sup>3</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, юртимизда Бедил ижодида, фалсафасига қизиқиш ниҳоятда кучли бўлган. Жадидчиликнинг Ғарбдаги айрим тадқиқотчилари, жумладан, Элен Каррере Д'Энкоус, А.Бенингсон, Хисао Коматсуларнинг қайдларига кўра, Бухорода жадидчиликнинг вужудга келишида дастлаб Бедил фалсафасининг, сўнгра Аҳмад Дониш асарларининг муайян ўрни бор<sup>1</sup>. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, маърифатпарвар шоир ва олим Фитрат ёшлигиданоқ Бедил рубоийларини ўқиб, ундан таъсирланган ва ўз ижодида Бедилни устоз, деб билган. Фитратнинг ижтимоий-сиёсий ва бадиий қарашларининг шаклланишида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ҳаёти ва илмий мероси, фалсафий қарашлари ўзига хос бир мактаб бўлган десак, муболаға бўлмайди.

Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасининг муҳим хусусияти ундаги ахлоқий тушунчаларнинг ўзига хос талқинидир. Бедил ўз ижоди давомида асосий эътиборни ахлоқ масалаларига қаратади. Бунинг сабаби эса, XVIII асрда Ҳиндистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, адолатсизлик, инсоний қадриятларнинг топталиши, миллий ва диний низолар, унинг оқибатида бу ўлканинг ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий инқирозидир. Буларнинг барчаси файласуф-шоирни бефарқ қолдирмаган.

Мирзо Бедил ахлоқий қарашларининг муҳим хусусиятлари шундан иборатки, унда ахлоқий тушунча ва тамойилларнинг моҳияти бир-бирига қарама-қарши қўйилган ҳолда ёритиб берилган. Масалан, яхшилик-ёмонлик билан, мулоимлик – қаттиқлик билан, сабр-қаноат – нафс, ҳирс каби иллатларга қарши қўйилган ҳолда, уларнинг афзалликлари, шунингдек, инсоннинг ҳаёти, руҳий камолотига таъсири очиқ берилган.

Мутафаккир-шоир Мирзо Бедил фалсафасида яхшилик ва ёмонлик, адолат, ишқ-муҳаббат каби ахлоқий тушунча ва тамойиллар катта ўрин эгаллаган.

Бедил **яхшилик ва ёмонлик** ахлоқий тушунчасига алоҳида эътибор беради. Инсоннинг ўз бахт-саодати йўлида меҳнат қилиши, атрофдагиларга эзгу муносабатда бўлиши, ўзгалар бахтини ўз бахти деб билиши, ўзининг ва ён-атрофидаги инсонлар муваффақиятидан қувониши, комилликнинг белгиси саналади.

Бедил инсоннинг фазилат ва нуқсонлари борасида тўхталар экан, у фазилатни яхшилик деб мадҳ этади, нуқсонларни эса ёмонлик деб қоралайди. Зеро «Инсон фақат яхши қилмиши, иши билангина узоқ давр яшаши мумкин»<sup>1</sup>, - деган фикр ҳам Бедил қаламига тегишлидир.

Бедил жаннат ва дўзахни инсоннинг меҳнати, феъл-атвори билан белгилайди. Ҳақиқатдан ҳам феълни ёмон, жанжални яхши кўрадиган, ёмонликни касб қилган, дангаса одамлар давраси дўзах билан баробардир. Аксинча, яхши хулқли, меҳнат билан атрофни яшнатадиган, меҳрини одамлардан аямаган инсонлар макони бамисоли жаннатдир. Инсоннинг қўли чўлни гулистонга, боғу-бўстонга айлантиришини халқимиз қадимдан билади. Келажакимиз ҳам ўз қўлимизда эканлигини Президент Ислам Каримовнинг қуйидаги фикри яна бир бор тасдиқлайди: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз раванқ топишининг асосий шартидир»<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, бахти-саодатимиз ва фаровон ҳаётимиз ҳар биримизнинг ғайрат-шижоатимизга, меҳнатсеварлигимиз ҳамда фидокорлигимизга боғлиқ. Бу ҳақда Бедил шундай дейди:

Қайдаким ёмон феъл бўлди раҳнамо  
Жаҳаннам шундадир, билиб қўй, аммо  
Яхшилик уруғин сепсанг ҳар томон  
Жаннат мевасини беради шу он<sup>3</sup>.

Мирзо Бедил инсоннинг ахлоқий қадриятларини синчиклаб ўрганар ва таҳлил қилар экан, барчанинг хулқ-одобини бир хил эмаслиги, яхши хулқ бор жойда ёмон, яъни салбий хислатлар ҳам борлигига ўз эътиборини қаратади. Кишилар орасида сахийлар ва бахиллар, яхшию ёмонлар, ҳалол ва нопоклар борлигини кўриб, инсонда олийжаноб хислатларни ривож топтириш йўлларини излайди. Инсонлар хулқидаги бу икки хиллик яъни эзгу, яхши ва ёмон хулқларнинг мавжудлиги борасида Бедил илгари сурган ғоялар Юсуф Хос Хожибнинг ахлоқий қарашлари билан уйғун эканлигини кўришимиз мумкин. Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарида шундай дейилади: «Эзгу одамлар ҳам икки турли бўладилар - булардан бири яхши ва тўғри йўлдан юрувчилар. Бундай эзгу одамлар туғма яхши бўладилар, улар тўғри ва рост йўлдан юрадилар. Яна бир турли эзгулар борки, улар ўткинчи яхшидирлар, ёмонларга қўшилиб қолсалар, ёмон ва ярамас ишларга қўл урадилар. Шунингдек, ёмонлар ҳам икки турли бўладилар, икки тоифасини бир хилда ёмон демаслик керак. Булардан бири - туғма ёмонлардир, уларнинг искиртлари то ўлгунча аримайди. Яна бири - ўткинчи ёмонлардир, ундайларнинг жўралари яхши бўлса, улар шу яхшиларга эргшиб яхши бўладилар. Туғма яхшилардан доимо яхшилик келади. Олам халқи улардан фақат манфаат олади»<sup>1</sup>. Юсуф Хос Хожибнинг яхшиликни туғма бўлиши ҳақидаги фикри, Саъдий, Навоий фикрлари билан ниҳоятда ўхшаш. Жумладан, Саъдий шундай дейди:

Зоти ҳар кимнинг ямондир, яхши ҳаргиз бўлмағай,  
Гумбаз узра ғўз қўймоқ-тарбият қилмоқ анго<sup>2</sup>.

Бизга маълумки, Мирзо Бедил Саъдий ижоди билан жуда яхши таниш бўлган ва унинг «Гулистон» ва «Бўстон»ини севиб ўқиган. Демак, Бедил ахлоқий қарашларининг шаклланишида, шунингдек, яхшилик ахлоқий тушунчасида ҳам ўзаро яқинлик бўлган, деган хулосага келамиз.

Бедил яхшилик ҳақида фикр билдирганда, Жалолиддин Румий ижодидан ҳам баҳра олганлигини кўришимиз мумкин. Бизга маълумки, Мирзо Бедил Жалолиддин Румийнинг «Маснавийси» билан яқиндан таниш бўлган. Шу ўринда Румийнинг куйидаги фикри диққатга сазовордир:

«Баҳри он аст имтиҳони неку бад,  
То бичўшад бар сар орад зар забад»<sup>1</sup>

*Таржимаси:*

Қайнаса зарнинг чиқар зангорлари,  
Имтиҳон - яхши-ёмон кирдорлари.

Маъноси: яхшилик ва ёмонликнинг имтиҳони, тилла қайнатилгач, кир-чирлари сатҳга калқиб чиққанга ўхшаш бир ҳолдир. Тилло ана шу зайл қайнаб, риёзат чекиб, яъни соф олтинга айланади<sup>2</sup>. Румий демокчики, инсон ўз фаолияти жараёнида инсонларга яхши хулқи, муносабати, фаолияти жараёнида ўзида мужассамлашган олийжаноб хислатларини намоён этади. Бошқалар билан бўлган ахлоқий муносабатда ўзини кўзгуда кўргандек яхши ва ёмон жиҳатларни англаб, ажратиб олади.

Мирзо Бедил, албатта, Румий шеъриятдан илҳомланган ва ўз ижодида уни давом эттирган.

Яхшилик қилсанг ўз дилинг бахтга ёр,  
Ёмонлик кўргузсанг кўнгилда ғубор.  
Ҳали қиёмат кун келгани йўқ-ку,  
Яхшилик қилавер, ҳисоб не даркор<sup>3</sup>.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқ мутафаккирлари, жумладан, Саъдий Шерозий, Юсуф Хос Хожиб, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий кабиларнинг асарларида ҳам ахлоқий қадриятлар, панд-насихатлар ўзига хос тарзда акс этган.

Бедилнинг «Нуқот» (ҳикматли сўз) асари ҳам бунга мисол бўлади. Бедилнинг яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги қарашларини замонавий тил билан таҳлил қилсак, одамлардаги лоқайдлик, бемехрлик,

фаросатсизлик худди музлаган чечакни эслатади. Мутафаккир ундайлардан яхшилик кутиш керак эмаслигини алоҳида уқтиради:

Қайдаки мавжуддир лутф ила карам,  
Ул киши таъбига илиқликдир зам.  
Яхшилик истаманг совуқ кишидан  
Музлаган чечакнинг иси жуда кам<sup>1</sup>.

Қачонки, лутф ва карам, яъни ҳайрихоҳлик, яхши муносабатлилик, мурувватлилик каби ахлоқий туйғулар инсонда мужассам бўлса, ундай кишилар табиатида доимо илиқлик, меҳр-оқибат бўлиши таъкидланади. Ўсимлик қуёш нурига интилиб яшаганидек, инсонлар ҳам илиқликка, яхшилик нурига талпиниб яшайди.

Бедил яхшилик ва ёмонлик ҳақида фикр билдирганида ҳар икки жиҳат ҳам инсоннинг ўзига боғлиқ эканлигига урғу беради. Бу фикрни мутафаккирнинг қуйидаги байти орқали янада яққолроқ билиб олишимиз мумкин:

Яхшилик-ёмонлик мўлу-қўл бунда,  
Қилмишинг ҳолидан огоҳ бўл бунда,  
Қўлинг олур улким, қўлини олдинг,  
Барчанинг фойдаси қўлма-қўл бунда<sup>2</sup>.

Мирзо Бедил яхшилик ва ёмонлик тушунчаларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш билан бир қаторда, инсонларнинг ҳар бир қилмиши нафақат ўзгалар учун, балки ўзи учун ҳам аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Юқоридаги фикрни давом эттириб, мутафаккир шундай дейди:

Ин жаҳон кўҳ асту феъли мо-нидо,  
Сўй мо ояд нидоҳиро садо<sup>1</sup>.

*Маъноси:*

Бу жаҳон - тоғ, феълимиз гўё нидо,  
Бизга қайтар бу нидолардан садо.

Демак, дунё - тоғ кабидир. Тоғда янграган садоларимиз акси ўзимизга қайтиб келади. Бу дунёда ким нима қилмасин, пировардида натижасини кўради. Халқимиз тили билан айтганда, бу дунё қайтар дунё, нима эксақ, шуни оламиз. Худди шу сингари фикрларни Юсуф Хос Хожибда ҳам кўрамиз. Унда шундай дейилади: «Ким яхшилик қилса, ўзи ҳам яхшилик кўради. Ундайлар камситилган ёки таҳқирланганларни ажратиб қўймайди»<sup>2</sup>.

Бедил инсонларни фақат яхшиликка, ҳалоллик ва покликка даъват этар экан, бу йўлда тўсик бўлувчи ёмон, ғийбатчи кишилардан йироқ бўлишга чакиради. Шу ўринда Бедилнинг қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «Агар яхшилардан бегона бўлмайман, ажралмайман десанг, ёмон сўзловчи, ғийбатчилар билан ошнолик қилма. Ўзингни тўғри кўрсатмоқчи бўлсанг, ойнанинг орқасига боқма»<sup>3</sup>.

Агар сурат ёмон бўлса, ойнадаги акс ҳам ёмон кўринадики, бизнинг фикр ва тафаккуримиз ҳам етуклик даражасида бўлмаса, барча нарсани тасаввуримизда яхши ўзлаштира олмаймиз. Бедил, худди Форобий сингари, ақл, ахлоқ, билим бирлигига алоҳида аҳамият беради. Чунки инсон ақл билан билимга эга бўлмаса, тафаккур, онгу-шукуҳини ривожлантирмаса, у яхшиликнинг кадрига етмайди. Зеро, жамият илм ва тафаккур билан қудратлидир. Ғийбат бу - кибр, манманлик, бировнинг ютуғини кўролмасликдир. Ғийбатчи - яхши инсонларнинг иш-фаолиятига путур етказиш учун ҳаракат қиладилар.

Мирзо Бедил яхшилик, ахлоқий поклик ҳақида фикр билдирганида, бу тушунчаларнинг ақл-идрок, илм-маърифат билан бир бутун ҳолда олиб қарашга ҳаракат қилади:

Киши табиатини фош этса идрок,  
Фақат яхшиликка этар иштирок.  
Илмдан бебаҳра қолади таъби,  
Бадфеълидан кечиб бўлолмаса пок<sup>1</sup>.

Шарқ мутафаккирларининг диққат марказида турган муаммолардан яна бири адолат бўлиб келган. Жумладан, мутафаккирларимиздан Форобий, Жалолиддин Давоний, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз

Кошифий буюк давлат арбоби, саркарда Амир Темурнинг ижоди ва фаолиятида адолатга кенг ўрин берилади.

Ўз даврида «Шарқ Арастуси» номини олган Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида инсоннинг жамиятни бошқаришда ҳамда ривожланишида адолат ва ахлоқни шаклланиш қонуниятларининг назарий тамойилларини яратганлиги билан машҳурдир. У «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар, одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи султон бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади»<sup>2</sup>, - деб ёзади. Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги демократик давлат шакллари ва унда адолатнинг ўрни, бошқарувнинг сиёсий ва фалсафий моҳиятини кашф этишга уринган.

«Олимларнинг таъкидлашича, адолат – энг яхши фазилат, адолатсизлик эса – энг ярамас ва тубан хатти-ҳаракатдир. Адолатнинг натижаси бу – мол-мулкнинг пойдорлиги, мамлакат фаровонлиги, хазинанинг маъмурлиги, шаҳар ва қишлоқларнинг гуллаб яшнаши, зулм ва адолатсизликнинг оқибати эса – мамлакатнинг заволга учрашидир»<sup>1</sup>, - дейди Кошифий.

Мирзо Бедил ҳам бошқа алломалар сингари одил шоҳ, кишилар ўртасида адолатли муносабатлар ўрнатиши ҳақида қимматли фикрларни илгари суради. Бедил шоҳларни халққа адолатли муносабатда бўлишини, уларнинг халққа нисбатан золимлик ва ўзгаларнинг ҳаққига хиёнат қилмасликда, деб тушунади.

Халқ ичинда сен золимлик номин олма,  
Ожизларга зулм кўрсатиб, жонин олма.  
Очлигингдан ўлганда ҳам зинҳор, зинҳор,  
Чумолининг оғзидаги донин олма<sup>2</sup>.

Мирзо Бедил адолат ва адолатли жамиятни кўриш орзуси билан яшаган. Адолат категориясини Бедил сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ахлоқий томондан, кишиларнинг мавқеи нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Адолат ижтимоий ҳаётнинг белгиловчи мезони сифатида олиб қаралади, ундан юз ўттирганларга ўзининг нафратини билдиради.

Бедил ахлоқий қарашларидаги ўзига хослик шундаки, мутафаккир адолат адолатсизлик устидан ғалаба қозонишига ишонади ва адолатсизлик қилган кимса, албатта, қилмишига яраша жазо олиши муқаррар эканлиги уқтирилади:

Қилмиш - кидирмишдан кимки бохабар,  
Заифларга зулм қилмас, алҳазар<sup>3</sup>.

Шунингдек, Бедил адолатни нафақат сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан, балки унинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан ҳам ўзига хослигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Мирзо Бедил адолатни ижтимоий-ахлоқий категория сифатида таҳлил қилиб, шундай ёзади:

Тенг тарозидур адолат, эй фақир, қўл урмагил,  
Ҳурматингга оғса бир ён неъматин кам бўлғуси<sup>1</sup>.

Юқоридаги байтдан шундай хулоса қилиш мумкинки, Бедил кишиларнинг ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларида адолатни, улар ўртасидаги тенгликни таъминловчи мезон сифатида қарайди.

Шунингдек, мутафаккир адолатни подшоҳларга ҳам, оддий инсонларга ҳам хос бўлган қирраларини алоҳида кўрсатиб беради. Шоир ҳар қандай ҳолатда адолатдан юз ўттирган, адолатсизликни шиор қилган кимсалар ҳаётда албатта, ўз жазосини олишига ишонади.

Шарқ мутафаккирлари, шу жумладан, Мирзо Бедил ҳам адолатни асослашда кўпроқ лирик-руҳий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ёндашганлар. Зеро, Шарқда азалдан адолат тушунчасига ҳамоҳанг тарзда «ҳақ», «меъёр», «ҳақиқат», «бурч» тушунчалари ҳам кадрланиб келинган. Шунингдек, жамоа манфаати, оиладаги тартиб-интизом, эътиқод ва маънавийлик юқори баҳоланган.

Ғарб мутафаккирлари эса кўпроқ ҳуқуқий, амалий, қундалик ҳаёт муаммолари нуқтаи назаридан фикр юритганлар. Шунинг учун ҳам Шарқдан анча фарқли тарзда «эркинлик», «тенг ҳуқуқчилик», «эрк» тушунчаларига кўпроқ аҳамият берилган. Шу билан бирга Ғарб демократиясида индивидуализм, индивиднинг тартиб-интизоми, ҳуқуқ ва адолатга олиб борувчи воситалар сифатида кадрланади, маънавийликдан ҳам кўра рационализм мустаҳкам ўринга эга бўлган.

Ҳозирда ижтимоий адолат муаммолари инсон ҳуқуқлари ва демократия ғоялари билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этилади. Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги ҳужжатларда ҳам бу тушунчага жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, БМТ ҳужжатларида ижтимоий адолатга шундай таъриф берилади: «Ижтимоий адолат инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни ва моддий ресурсларни адолатли тақсимлашни англатади. Бу соҳадаги фаолият соғлиқни сақлаш ва таълим каби муҳим хизматларга умумий дахлдорликни таъминлаш, дастлабки босқичида тенг имкониятларни яратиш, ноқулай (ночор) вазиятдаги шахсларни ҳимоя қилиш, истеъмол ҳамда даромадлар олиш каби соҳаларда мувозанатни (мутаносибликни) таъминлашга қаратилгандир»<sup>1</sup>.

Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам адолат жамият учун ҳаётий қадрият сифатида қадимдан бугунги кунгача юқори баҳолашиб келинмоқда. Мустақил ва барқарор тараққиёт йўлига қираётган жамиятлар учун у икки ҳисса кадрлидир. Шу маънода унинг умуминсоний жиҳатларига, демократик моҳиятига катта эътибор қаратилаётганлиги табиий ҳолдир.

Президентимиз Ислам Каримов миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда, демократик жамият қуриш жараёнида ижтимоий адолат тамойилларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратаётганлиги, адолат тушунчасининг бугунги кунда инсон, давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятининг нақадар долзарб эканлигини англатади. Ушбу тушунчанинг аҳамиятини юртбошимизнинг қуйидаги фикри тасдиқлайди: «Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт»<sup>2</sup>.

Бугун демократик жамият сари одимлар эканмиз, бунда ҳам бош ғоялардан бири адолат эканлигини Ўзбекистон Конституцияси ҳам исботлаб турибди. Сарқарда Амир Темурнинг «Куч адолатдадир», деган ғоясини юртбошимиз И.А.Каримов томонидан «Куч билим ва тафаккурдадир»<sup>3</sup> ғояси билан бойитилиши ҳам бугунги ижтимоий ҳаётда эзулик ва адолатга бўлган ижобий муносабатлардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Инсон ҳаётига мазмун ва яшашига иштиёқ берувчи, инсоний муносабатларни юқори чўққига олиб чиқувчи асосий омиллардан бири бу – меҳр-муҳаббатдир. Мирзо Бедил фалсафасида ахлоқий қадрият сифатида талқин этилган муҳим тушунчалардан бири ҳам **ишқ-муҳаббат** ахлоқий тушунчасидир. Бедил борлиқнинг яратилишидан тортиб то инсоннинг моҳиятигача бўлган жараёни ишқ-муҳаббатсиз тасаввур эта олмайди.

Бедил реал ишқни, соф севгини борлиқнинг, мавжудотнинг ривожи деб билиб, уни борлиқ ва инсон ҳаракатнинг манбаи ҳисоблайди. Зеро, ишқ-муҳаббатсиз борлиқ ривожининг бўлиши мумкин эмас, Қуёшнинг заррин нурисиз дунё зулматдир<sup>1</sup>. Бедил ўз қарашларида илоҳгами, ё севган ёр маликасидами ишқини пинҳон тутиш тарафдори.

Файласуф-шоирни тасаввуф таълимоти билан ошно бўлганлигини эътиборга оладиган бўлсак, ишқ-муҳаббат илоҳийлигига гувоҳ бўламиз.

Ишқ доғи каби нурга никобидир юрагим,  
Оина каби дард ила софдир юрагим.  
Сен сўрадинг, бердим юлиб кўксимдан,  
Лаълинг бу савол, унга жавобдир юрагим<sup>2</sup>.

Бедил томонидан ишқ-муҳаббат тушунчасининг илгари сурилиши тасодифий ҳол эмас, чунки қадимги давр Шарқ фалсафасида ҳам, ўрта асрлар файласуфларининг аксариятида ҳам инсон қалбини коинот ёруғликлари ҳаракатга келтиради. Яъни, коинот нуруни майинлик, юмшоқлик, муҳаббат маъносида тушуниш мумкин. Масалан, қадимги даврда вужудга келган зардўштийликда ёруғлик, нур, олов бутун борлиққа ҳаёт бахш этувчи куч сифатида қаралса, қадимги Ҳиндистонда вужудга келган буддавийлик динида ҳам нур илоҳий, ҳаётбахш унсур сифатида қаралади.

Мирзо Бедил ҳам Аллоҳга бўлган илоҳий муҳаббатини қуйидаги байтларида ифода этади:

Зи чашми бенигоҳ будом харободом ғоратҳо  
Ҳа хайроний мичаҳ бардоштақ кардам амаратҳо<sup>1</sup>.

*Маъноси:* нигоҳсиз кўзларим ғайб нигоҳлари туфайли ғарот бўлди ва харобод аҳлига, ошиққа айландим. Ҳайрат билан кўз очдим-да, иморатлар пайдо қилдим. Бедил Аллоҳнинг назари туфайли унга ошиқ. Бу ишқ унинг ўзлигидан кечиб, бунёдкорлик сари ундаганлигини англаб олиш қийин эмас.

Бедил Аллоҳга Қуёш, унинг бандаларига эса соя нисбатини бериб, соя муқаррар ўз Қуёши – дилбарига бориб этади. Маърифат ҳосил қилиш, яъни Аллоҳни таниш одамга хос бир нарсадир, акс ҳолда чин юракдан эмас, балки ўзини халқ олдида художўй қилиб кўрсатувчи инсоннинг саждалари ҳеч нарсага етмайди, дейди. Демак, Бедил талқинидаги ишқ инсон ҳаётининг муҳим қирраси ва мазмунидир. Инсоннинг мақсади, орзу-умиди ва хатти-ҳаракатларининг бош мезони ҳам ишқ-

муҳаббатдир. Ахлоқ инсон ҳаётига мазмун берувчи қадрият экан, ишқ-муҳаббат ҳам ахлоқий тушунчаларнинг энг муҳимларидан бири эканлигига шубҳа йўқдир.

Мирзо Бедил ишқнинг куч-қудратини ўзининг йирик асарларидан бири бўлмиш «Комде ва Мудан»да тўлиқ очиб беради. Бедил ушбу асарида соф муҳаббатни, покликни, садоқат ва адолатни, шарм ва вафони куйлайди, уларни барча нарсадан юқори эканлигини алоҳида қайд қилади. Бу асарда раққоса қиз Комде билан ажойиб созанда Мудан ўртасидаги муҳаббат тасвирланади. Уларнинг пок муҳаббати барча ёвузликлардан ва ҳатто ўлимдан ҳам устун чиқади. Достон Шарқда машҳур бўлган «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» ва бошқа достонлар каби лирик қисса, аммо у фожиа билан эмас, балки муҳаббатнинг ғалабаси билан яқун топади. Бу эса, файласуфнинг инсон ҳаёти ва унинг келажагига бўлган комил ишончидан далолат беради.

Ҳинд подшосининг раққосаси гўзал Комденинг маҳорати ҳамда гўзаллиги бутун Ҳиндистон ва ундан ташқаридаги ўлкаларга ҳам ёйилиб кетади. Унинг доврўғини эшитган ашулачи ва созанда Мудан Комде яшаган шаҳарга келади. У аввалига кўчаларда соз чалиб, кўшиқ куйлаб кишиларни мафтун қилади. Тез кунда Муданнинг ҳам шухрати бутун шаҳарга ёйилиб подшо қулоғига бориб етади. Саройга чакиртирилган Мудан подшо базмида шундай маҳорат кўрсатадики, унинг санъатига қойил қолган шоҳ ўз бўйнидаги қимматбаҳо тошлардан ясалган маржонни олиб, Муданнинг бўйнига тақиб кўяди. Аммо базмда ҳаммадан ҳам кўпроқ мафтун бўлган Комде эди. У Муданнинг куйларигагина эмас, балки унга бўлган севги-муҳаббатдан илҳомланиб, шундай рақсга тушардики, унинг сеҳрли санъатидан барча сарой аҳли эс-ҳушини йўқотади. Мудан ўзи юксак санъаткор бўлганлиги учун қиз санъатини ҳаммадан кўра чуқурроқ ҳис этади. Шунда у ҳозиргина шоҳ тақдим этган маржонни олиб, қизнинг оёғи остига ташлайди ва «менга бир жаҳон ғурур бағишловчи бу маржонни сен оёқларингга биланузук қилиб ол», - дейди.

Шоҳ бу ҳолни ўтакетган беодоблик ва шоҳни менсимаслик деб билиб, ғазаб ўтидан тутакиб кетади. Муданни шу ондаёқ калтаклаб, мулкидан ҳайдаб чиқаришга буйруқ беради. Мудан кўп қийинчиликлар чекиб ҳолдан тояди ва бир дарахт тагига келиб йиқилади. У бир неча кун «Комде, Комде», деб алаҳсираб этади. У шу ҳолда хушсиз, фақатгина юрагида чин инсоний севги билан яшайди.

Бир одил подшо ов қилиб юриб, шу жойга келиб қолади. Қушлар овозидан «Комде» номини эшитиб, дарахт тагида ётган заиф танага кўзи тушади. Унинг аҳволини кўрган ва ўтли оҳини эшитган шоҳ золимнинг жазосини бериб, Муданни маъшуқасига етиштиришга қасамёд қилади. Қаттиқ жангда золим шоҳ мағлуб бўлиб, севишганлар муродига етадилар.

Бедил ўз достонида ишқ-муҳаббат олдида подшонинг қимматбаҳо совғаси арзимас бир матоҳ эканлигини, мол-дунёнинг муҳаббатдан юқори эмаслигини уқтиради. Мутафаккир ушбу асари орқали муҳаббат билан бир қаторда ахлоқнинг бошқа жиҳатларига ҳам ўз эътиборини қаратади, чунки унинг томонидан илгари сурилган ишқ-муҳаббат масаласи, кўплаб ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган.

Агар золим шоҳ Муданни ўзи совға қилган маржонларни Комде оёғи остига ташлаганини беодоблик, ахлоқсизлик, деб билса, адолатли шоҳ эса, бунда Муданнинг ҳаракатини беодоблик, деб билмайди:

Агар бўлсайди сенда заррача инсоф,  
Ҳақ-ҳуқуқни этар эдинг эътироф.  
Иззат-ҳурмат қадрин билмай ҳар киши,  
Тарғибсизлик бўлса унинг ўй иши.  
Ҳоли узрин излаш керак хулқидан,  
Одоб келмас хушсизларнинг кўлидан,  
Телбалик ҳам одобдир муҳаббатда, -  
Лекин мағрур кўз бўлур ғафлатда<sup>1</sup>...

Шунингдек, золим шоҳнинг такаббурлигини қоралар экан, Бедил бундай гердайиш тубан беҳаёлик, ҳар қандай эзгуликдан йироқ расволикдан ўзга нарса эмаслигини уқтиради.

Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам Бедил кибр, гердайиш, мағрурликни беҳаёлик саналишига ишора қилади ва бу иллатларга қарама-қарши инсонийлик, мурувват ғояларини илгари суради.

Бедил доимо зулмни, золимликни, бешафқатликни, қаҳр-ғазабни қоралаб келган. Мутафаккир мурувват, ҳиммат, инсонийлик каби ахлоқий фазилатлар, албатта, золимлик устидан ғалаба қилишига ишонган.

Бедилнинг «Комде ва Мудан» достонида ахлоқий қадриятлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида кўплаб фикрлар мавжуд. Биз учун муҳими шоирнинг меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат, эзгулик ва адолатни куйлаб инсонларни унга даъват этишидир. Бедил ўзининг мана шу достони орқали эзгулик, ишқ-муҳаббат ҳаётнинг мазмуни, яшашнинг манбаи эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, буюк мутафаккир ва шоир Мирзо Абдулқодир Бедил ахлоққа оид тушунчаларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига, бу фазилатлар инсоннинг шахс сифатида камол топишида муҳим эканлигига ўз эътиборини қаратади. Бедилнинг бу қарашларида ахлоқ-одобнинг нозик қирралари, серқирра жозибалари ва шарқона хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Бедил томонидан илгари сурилган ахлоққа оид яхшилик тушунчасини таҳлил қилиб, куйидаги хулосага келиш мумкин:

**Яхшилик** – *бу ёмонликни бартараф этиши, ёмонликни енгиши. Кенгроқ маънода олиб қарасак, бировнинг юкени енгиш қилиши, дардига ҳамдард бўлиши, муҳтожларга кўмак бериши, йиқилганни суяши, адашганга тўғри йўл кўрсатишидир.*

Бедилнинг яхшилик ва ёмонлик ахлоққа доир тушунчаларида муҳим жиҳатлар мавжуддир. Бедил яхшилик категориясини таҳлил қилганда, ёмонлик билан қиёслашга эътиборни қаратади. Демак, яхшилик ва эзгулик ёмонликка қарши тинмай кураш олиб боради, бу курашда яхшилик албатта ғалаба қозонади.

Мирзо Бедил фалсафасидаги адолат ахлоқий тушунчасининг муҳим жиҳати шундан иборатки, ушбу тушунча сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-ахлоқий категория сифатида талқин этилган.

*Сиёсий адолат давлат кучини, ҳуқуқий адолат қонун мавқеларини, ахлоқий-маънавий адолат эса маънавият кучини ўзида акс эттиради.*

**Адолат** – *ахлоқий, сиёсий-ҳуқуқий категория. Адолат жамият барқарорлигини таъминловчи энг муҳим ахлоқий тушунча. Адолат инсонларнинг бир-бирига, давлатни фуқароларга бўлган муносабатида ўзаро мувофиқликни ифодалайди, қонунларга риоя қилишни билдиради.*

Ишқ-муҳаббат Мирзо Бедил фалсафасининг асоси сифатида диний ва дунёвий нуқтаи назардан таҳлил этилган. Ишқ - муҳаббат нафақат инсоний муносабатлар замирини, балки мавжудлик, борлиқнинг асосини ҳам ҳаракатга келтирувчи, бунёд этувчи илоҳий куч сифатида талқин этилган.

**Муҳаббат** *қалбнинг мулки. Бу муқаддас туйғу ақлдан устун келиб, қалбни макон тутади. Муҳаббат туйғуси макон тутган қалб соҳибида фақат эзгулик ва руҳий поклик ҳукмронлик қилади. Муҳаббат ўз соҳибини инсонпарвар, ватанпарвар, имон-эътиқодли, мулоимлик каби гўзал фазилатлар билан безайди.*

Муҳаббат ахлоқий тушунчаларнинг энг нафислари бўлмиш ҳаё, ибo, ор-номус, шафқат, меҳрибонлик кабиларни тўлалигича ўзида мужассам этган ахлоқий кадриятдир.

Бедилнинг таъкидлашича, фақат муҳаббат туфайлигина борлиқ яратилган. Ҳаёт – ишқ-муҳаббатнинг маҳсули. Муҳаббатсиз мавжудлик, Бедил назарида, гўё йўқликдир. Барча муносабатлар, барча мавжудлик муҳаббат туфайли туғилади. Бу туйғуни инсон қалбига сингдирмасдан туриб, ахлоқ ҳақида фикр юритиш мумкин эмас.

Демак, мутафаккир Мирзо Бедил ўз ижтимоий-ахлоқий қарашларида яхшилик ва ёмонлик, адолат, ишқ-муҳаббат каби ахлоқий тушунчаларга ўзига хос тарзда ёндашган. Бу ўзига хослик ахлоқий тушунчаларнинг ҳар тарафлама ижтимоий-сиёсий, диний-ахлоқий ва илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинишида кўзга ташланади.

## **МИРЗО БЕДИЛ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Мирзо Бедил ҳаётнинг мазмун-моҳиятини инсон манфаатлари учун хизмат қилиш ва ўздан ёдгорлик қолдириш белгилайди, деган ғояни илгари суради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, бу дунё гўзаллик ва эзгулик намуналарига тўла. Шунинг учун ҳам унга бефарқлик ётдир. Бедил инсоннинг ҳаётини доимий ҳаракатда, изланишда, ўқиш-ўрганиш ва илм-хунарни эгаллашда, деб билади. Инсон ҳаётининг маъносини ахлоқий гўзалликда кўради. Ахлоқан гўзал инсонгина ўздан яхши ном қолдириб, мазмунли ҳаётга мушарраф бўла олади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцениризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Уларга қарши курашишда ажодларимизнинг бой маънавий мероси, ахлоқий гўзаллик ҳақидаги қарашлари муҳим омилдир. Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида бу масалага алоҳида тўхталганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Унда таъкидланишича, ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий кадриятларни менсимасдан, эскилик саркити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканлигини англаб олмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эшлаш ўринли. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади. Бедил фалсафасида ҳам, мутафаккир идеалидаги инсонларнинг ахлоқий гўзаллиги ҳам юқорида қайд этилган фазилатлар муҳим ўрин тутуди.

Мирзо Бедил инсон ҳаётининг маъносини ахлоқий гўзалликда деб билар экан, ўзининг ҳаётини ҳам шу асосда қуришга интиланган. Бу ўринда мутафаккир-шоирнинг куйидаги байти диққатга сазовордир:

Бедил, ўзни қанча танлаб кўрмадим,  
Лек камол афсуни дамин урмадим.  
Юз шукурки, одоб иқболи кулиб,  
Ҳеч кимдан ортиқман, дея юрмадим<sup>1</sup>.

Файласуф ўз қарашларини шеърий мисраларда ифодалаб, барча кишиларни гўзал хулққа ошно бўлишга чақиради. Бунда асосан камтарлик, олийжаноблик, ҳиммат ва ғайрат каби ахлоқий фазилатларни мадҳ этишни ўзининг мақсади, деб билади:

Осмон бўлсанг ерга эгилмоқ яхши,  
Тупроқ бўлсанг кўкка интилмоқ яхши.  
Нотавон, бечора бўлмагил зинҳор,  
Ғайратда, ҳимматда бўл порлоқ, яхши<sup>2</sup>.

Бедил таълимотидаги ҳаё, уят, андиша каби ахлоқий қадриятларни таҳлил этганимизда, уларни Ўрта Осиё мутафаккирлари ижоди билан ҳамоҳанглигини кўрамиз. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибда ушбу тушунчалар ҳақида шундай дейилади: «Икки оламда ҳам одамга керакли нарса яхши феъл ва хушхулқдир. Иккинчидан шарм-ҳаё, андиша, учинчидан ростлик-тўғрилиқ ҳам зарур нарсадир. Мана шу фазилатлар туфайли одам бахт топади. Уят, андиша кишини ярамас ишлардан тияди, ҳаёсизлик одам учун ўхшаши йўқ иллатдир. Тўғрилиқ, ҳаё ва хушфеъллик жам бўлса олам-олам севинч демакдир»<sup>1</sup>. Бу каби фикрлар Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашларида ҳам мавжуд. Масалан, «Вафосизда ҳаё йўқ; ҳаёсизда вафо йўқ. Агар кимда бу икки сифат бўлмаса - унда имон ҳам йўқ»<sup>2</sup>.

Бедил бу ғояларни давом эттирар экан, уят, ҳаё каби ахлоқий тушунчаларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини очиб беради. Бу тушунчаларнинг моҳиятини инсон онгига етиб бориши учун уларни холисона тасвирлашга ҳаракат қилади:

Йўлбарс ила шерни енган мард киши,  
Бўйин эгиб турса, бу ҳаё иши<sup>3</sup>.

Шарқда мардлик бу фақатгина жангда қаҳрамонлик кўрсатиш, ўзини хавф-хатарга солиш эмас, балки ориятли, ҳаёли бўлиш билан белгиланиши Бедил сатрларида ҳам ўз аксини топган.

Кимники раҳбари бўлибди ҳаё,  
Уни маҳв этолмас офат ва бало...  
Фитратингдан жудо бўлмасин ҳаё  
Оёқ остингга бoқ, бўлма бепарво...  
Бўлмаса шарму ҳаёдан тер, тароватсиз хусн,  
Шабнами йўқ тоза гулдин яхшидир қоғоз гул<sup>4</sup>.

Юқоридаги байтлардан кўриниб турибдики, ҳаё, уят инсоннинг безаги. Инсон ўзининг ахлоқий фазилати орқали ҳақиқий ўзлигини англайди. Ҳаёли инсонда тароват ва гўзаллик мавжуддир. Бедил ҳаё билан мардликни уйғунликда кўради. У куйидаги руббойида шундай дейди:

Ҳаё тухмин қўлдан берса гар одам,  
Ғайрат биносининг қадди бўлур ҳам.  
Соқолдан лоф урса ишонма унга,  
Номус қўлдан кетгач, қолмас мардлик ҳам<sup>1</sup>.

Ҳаёли киши диёнатли, ориятли, самимийликни ўзида мужассамлаштирган бўлишини Бедил атрофлича ифодалаб берган. Инсон ҳаёсиз бўлса, у кадр-қимматини йўқотган, нафс балосига дучор

бўлган инсон қиёфасидаги махлуқдир. Ор-номусни ардоқлаш, унга амал қилиш заруратини англаган Мирзо Бедил ҳаё ахлоқий тушунчаси орқали шарқона ахлоқий гўзалликни яна бир поғона юқорига кўтаради.

Шоир ахлоқий қадриятлар ҳақида фикр билдирганида, мардлик, шарму-ҳаё, одоб, фидойилик бобида ўрناق бўлувчи инсонларни қадрлайди.

Бедилнинг замондоши бўлган Зебуннисо ушбу сифатни ўзида жо этган ҳолда куйидаги байтни ёзади:

Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча хаво,  
Тоғу-тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё<sup>2</sup>.

Айниқса, бугунги миллий қадриятларимизга эътибор кучайган бир вақтда, ёшларимиз онгига ҳаё тушунчасини чуқурроқ сингдириш ниҳоятда муҳимдир, чунки мутафаккирлар таъкидлаб ўтишганидек, ҳаё кўлдан кетса мардлик ҳам, эзгулик ҳам, инсоний ҳаёт гўзаллиги ҳам йўқолади. Ахлоқий гўзалликнинг муҳим қирраларидан бири, ҳаё эканлиги Бедил таълимотида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Бедил гўзал ахлоққа эришишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиш билан бир қаторда, умуман гўзал ахлоқнинг ўзи нима? - деган саволга ҳам жавоб беради. Мутафаккир илгари сурган ғояга кўра, ҳар ким енгилтақлик қилиб ёмон ҳислатларни ошкор этса, у хоҳ билимдон бўлсин, хоҳ нодон бўлсин халқ нафратига дучор бўлади. Оламни забт этувчи яхши ва эзгу нарса ахлоқ гўзаллиги саналиб, буни барча маъқул кўриши таъкидланади:

Оламни забт этар гўзаллик билсанг,  
Ахлоқий хусндир, шуни де ҳар он<sup>1</sup>.

Бедил илгари сурган ахлоқий қадриятлар орасида «**карам**» тушунчаси муҳим ўрин эгаллаган. «Карам» ахлоқий тушунчаси мутафаккир томонидан инсон камолотида, унинг мукамалликка эришишда устувор қадриятлардан бири сифатида талқин этилади. Мутафаккир «карам» тушунчаси ҳақида фикр билдирганда, ўзидан олдин яшаб ўтган алломаларнинг қарашларига таяниб, уларни янги мазмун билан бойитади. Масалан, мутафаккирларнинг асарларида илгари сурилган «карам» тушунчаси, Бедил таълимотида янада ривожлантирилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида карам тушунчасига тўхталиб, шундай деган эди: «Карам - бир жафокашнинг оғир юқини кўтармоқ ва ўша юқининг машаққатидан уни кутқармоқдир. Карам - бировнинг тиканли машаққат юқини кўтармоқ ва тикан санчилишидан гулдек очилмоқ ва шу қилган иши ҳақида оғиз очмаслик. Ҳеч миннат қилмаслик, асло юзига солмасликдир. Карам ва мурувват - ота - онадирлар»<sup>2</sup>. Мирзо Бедил эса, яхшилик карамдан иборат, деб ҳисоблайди. Ул зот ўз фикрини давом эттириб, шундай дейди:

Карам дастурхони ёйилган нафас,  
Бахиллик дилингдан йироқ бўлса бас<sup>1</sup>.

Мутафаккир эзгулик, сахийлик, улуғворлик, яратиш, ободонлаштириш, дехқончилик каби барча ҳислатларни «карам» тушунчаси орқали ифодалайди.

Бедил илгари сурган «карам» тасаввуф аҳли тавсифида ҳам «улканлик», «бузругворлик», «мардлик», «яхшилик» маъносида ишлатилади:

Борлик ўзгариши дерлар ўлимни,  
Йўқолмаслигимиз асоси Карам<sup>2</sup>.

Бедилнинг юқорида келтирилган фикридан шундай хулоса чиқариш мумкинки, инсоннинг ўткинчи умрини абадийликка айлантирадиган восита карамдир.

Бедил илгари сурган ахлоқий қадриятлар орасида меҳнатсеварлик ҳам ўзига хос тарзда талқин этилган. Унингча, Аллоҳни рози қилмоқчи бўлган инсон халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиши ва заҳмат чекиши зарур. Мирзо Бедил кишиларнинг кадр-қиммати ва афзаллигини меҳнатда, деб билади.

Халққа хизмат айла уни ўйла доимо,  
Бу томоша оламида ўзингга қўйма бино<sup>3</sup>.

Бедил хунарсиз, бирор-бир меҳнат билан шуғулланмайдиган кишиларни қаттиқ қоралаган. Ўзининг «Ирфон» асарида ул зот «Иш қилмасдан мукофот излаш уятсизликдир. Эй, тадбир иши излашга, ишташга эринганлар. Бекордан бекор хошлаш уятдир. Дангасаликни таваккул деб атаб, хом тасаввур

қилибсан»<sup>4</sup> - дейди. Шоирнинг таъкидлашича, меҳнат қилиш, муайян касб-хунар билан машғул бўлиш инсонни камолот сари етаклайди, уни бахтли-саодатли қилади. Бедил деҳқончилик, хунармандчилик ва илмнинг ривожланиши халқ турмушини яхшилашини, давлатнинг мустақкамлашини маълум даражада англаб етган.

Бедил инсон кадр-қиммати, ахлоқий гўзаллиги молу-дунё билан эмас, балки меҳнат, илм-хунар билан белгиланади, деган фикрда қатъий туради. «Хунар эгалламагунча киши юзига иқбол эшиги очилмайди»<sup>1</sup>. Унингча, меҳнат билан банд бўлмаган одам марваридсиз чиғаноқдек бефойдадир.

Бедилнинг таъкидлашича, ипак ёки оддий матодан тикилган уст-бош одамнинг хулқ-атвори, ҳақиқий қиёфасини белгилашда асосий омил бўла олмайди, балки инсоннинг ахлоқий қиёфаси меҳнатда, савобли ишларида билинади. Мутафаккир меҳнат тўғрисида гапириб қуйидаги фикрни айтади:

Жома хоҳ атлас, хоҳ палос,  
Шахс ботил намешавад зи либос.  
Маъниаш равшану тақаддуси ранг,  
Аз сиёҳи хат надорад нанг<sup>2</sup>.

*Маъноси:* либос хоҳ атласдан, хоҳ полос матодан бўлсин, бари-бир киши кийимда яширина олмайди. Рангда маъно соф, равшан бўлганидек, инсон ўз хатти-ҳаракатида кўринади. Хат қоралиги билан ёмон иш эмас, аксинча, хат инсон учун жуда муҳим ва фавқуллодда фойдалидир.

Файласуф-шоир илм-хунар эгаллашда ҳар бир инсон ахлоқий мезонларни, жумладан инсоф, камолотга интилишни ўзига раҳбар қилиб олиши керак, деган ғояни қуйидаги мисра орқали ифода этади:

Забт этайин десанг сен илму хунар,  
Инсоф, камолни эт ўзингга раҳбар<sup>3</sup>.

Файласуф инсоннинг илмли, хунарли бўлишида ва камолот сари интилишида, албатта, устозлар кўмаги зарурлигини таъкидлайди. Устознинг зарурлигига далил кўпдир, устозга эргашмасдан кишининг меҳнати самара бермайди. Зеро, устозга, ота-она ҳамда катталарга ҳурмат, халқимизнинг азалий ахлоқий қадриятларидан саналади. Бедил шеърлятида бу яна бир бор ўз исботини топган. Маънавий меросимиз, ахлоқий қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда ушбу устоз-шоғирдлик одоби муҳим ўрин тутади.

Бедил ўзининг ахлоқий қарашларида **сабр-қаноат** тушунчасига алоҳида эътибор қаратади. У сабр-қаноатга тааллуқли ибратли ҳикматларни ўз асарларида кўплаб тилга олади.

Бедил сабр ахлоқий тушунчасининг аҳамияти ҳақида «Ирфон» асарида шундай дейди: «Сабр қилдинг, дам ҳам олдинг, ҳаводан нафас тортдинг. Сабр ва тиришиш денгиз ва гавҳар сингари ҳар иккиси ҳам керакдир»<sup>1</sup>.

Сабр-қаноат, бардош Шарқ халқларининг қадимий муқаддас фазилатларидан биридир. Шоир сабр-тоқат ҳақида юқоридаги фикри билан чекланиб қолмасдан, бир рубоийсида қуйидагиларни ёзади:

Сургалмоқ бўларкан қай ишга йўлдош,  
Тартибга солажак сабр ила бардош.  
Бино қуриш фикри гул очар экан,  
Меъмор қалбин босар аввалги зил тош<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, дунёда катта ишларни амалга ошириш, орзу-мақсадга, бахт-саодатга эришиш учун инсонга сабр, бардош керак. Меъмор ҳам бирон муҳташам бинони қуриш фикрида бўлса, аввало у ўз кўнглида сабр тошини туйиши, файласуф томонидан чиройли бадий иборалар билан ифодаланган.

Ахлоқий тамойиллардан бўлган «сабр»нинг аҳамиятини тушуниб етиш бугунги кунда яна ҳам долзарбдир. Чунки бахтли келажак қуришда, демократик жамият барпо этишда, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан сабрли бўлиш талаб этилади.

Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Бундай олижаноб туйғу Бедил ахлоқий қарашларида ҳам кенг ўрин олган. Дарҳақиқат, ватанпарварлик туйғуси юртнинг равнақи ва буюк келажакка асос бўлади. Бедил ватан деганда бир парча тупроқни тушунади. Бу тупроқ онанинг меҳрига қиёсланади. Шу билан бирга икки дунёнинг маъзи ҳам шу тупроқ, деб қаралади. Тупроққа меҳр қўйиш аслида бу ватанга меҳр-муҳаббатли бўлиш рамзидир. Ватан ниҳоятда кенг тушунча. Она

замин, яшаётган маконимиз, туғилиб ўсган тупроқ - буларнинг барчаси ватандир. Фақат шу макон, туғилиб-ўсган тупроқгина сенга меҳр беради, азоблардан халос этади, деб таърифлайди Мирзо Бедил.

Бедил фалсафасида ватанни севиш инсоний бурч сифатида қаралади. У инсонни ҳар қандай вазиятда ҳам ватанни севишга, у билан ҳамнафас бўлишга чақиради. Ватан бошига оғир кунлар келганда жонининг ҳузурини ўйлаб, ватанни тарк этувчиларни ниҳоятда қоралайди. Уларга бўлган нафратини яширмайди, ватанига хиёнат қилганларни гўё ёниб ўчган чирокқа ўхшатиб шундай дейди:

Кимки ғанимат деб ватандан кўчар,  
Бошқага ҳам кўнгил кўёлмай ўтар.  
Учкун тошдан ажраб чиққанидан сўнг,  
Қанча ардоқлама, бари бир ўчар<sup>1</sup>.

Ватанни севиш азал-азалдан чин инсоний фазилатлардан бири ҳисобланган. «Ватан равнақи» бугунги миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан биридир. Шу фазилатнинг намунаси бўлган ватан қаҳрамонлари юртимизда кўплаб топилади. Масалан, ватанимиз ўтмишида қаҳрамонлик кўрсатган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Пахлавон Маҳмуд, Маҳмуд Таробий, Амир Темур, Мадали Эшон ва бошқалар ажнабий босқинчиларга қарши озодлик учун кураш олиб бориб, ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Шайх Нажмиддин Кубронинг мўғул босқинчиларига қарши курашда «Ё ҳаёт, ё мамот!», «Ё Ватан, ё шарафли ўлим!» деб душманга қарши курашга чорлаган ҳайқириғи ватандошларимиз қалбида ўчмас из қолдирган. Ватандошимиз Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлигига Чингизхоннинг ўзи тан бериб: «Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган, у саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда наҳанг каби ботир», - дея ҳайратга тушиб айтган гаплари тарихий манбалардан маълум.

XX аср ўрталарида ватан мустақиллиги учун қурбон бўлган Чўлпон, Фитрат, Қодирий каби улуғ ватандошларимиз ҳам ўзларида ватанпарварлик туйғусини жо этиб, то бугунга қадар халқимиз қалбида абадий яшамоқдалар. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида тараққиётимизнинг ижтимоий-маънавий соҳасидаги шарт-шароитлари ҳақида фикр билдирар экан, ватанпарварликка алоҳида тўхталиб, «Мустақил ўзбек давлати – халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларига чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт»<sup>1</sup>, - деб таъкидлайди.

Демак, ватанпарварлик фазилати доимо миллатимиз юрагидан, иймон-этиқодидан кенг ўрин олган муқаддас ҳислатдир.

Мирзо Бедил ахлоқий фазилатларни куйлаш билан бирга, инсондаги нуқсонлар, камчиликлар ҳамда тубан иллатларни қоралайди, уларни бартараф этиш йўлларини излайди. Инсондаги нуқсонларни йўқотиш чора-тадбирларини ижтимоий ҳаётдан, кишиларнинг ўзаро муносабати, хатти-ҳаракати ва хулқидан қидиради.

Бедилнинг «Ирфон» номли асарида кишиларни саховат, бир марта берилувчи умрдан ўзи ва бошқалар манфаатлари йўлида унумли фойдаланиш, ўзини арзимаган нарсалар учун ўтга-сувга уриб, азиз умрни барбод қилмаслик, илм олиш каби яхши инсоний ҳислатларга чақириб янграйди. Ҳатто, Бедил инсонни бефаросатлик, дағаллик сингари айрим хусусиятлардан ҳам холи кўришни истайди. Масалан, «Ирфон»даги 20 байтлик бир тамсилда бир шахснинг ўйламай-нетмай иш тутуши, кўпол ва ёмон оғизлиги маҳорат билан қораланиб, тартибга чақирилади. Унда бир болакай қудуқ оғзига яқин ерда ўйнарган, туйқусдан қўлидаги нонни сувга тушуриб юборади ва йиғлаганича отаси олдига келади. Ота бола йиғиси ва қўлида нон йўқлигини кўра солиб, ўғлидан сўраб ҳам ўтирмасдан, кўнглидаги гумон бўйича «нонингни ким тортиб олди» дейишга тушади. Бола йиғи аралаш қудуқ томонни кўрсатади. Ота қудуқ бошига бориб, шу ёниб турган кўйи сувда ўз аксини кўради ва унга қараб ғазаб билан дейди: «Эй иблис, ҳийла билан болакайнинг қўлидан нонини олиб егани уялмадингми?». Шунда сув тилга кириб, кулганча шундай дебди: «Ўз аксингни сувда кўрмоқдасан, ўзингни ўзинг коймоқдасан. Болангдан бир оғиз нима бўлганини сўрамадинг, ўз ишидан кўрққан боланинг гапи билан дарҳол гумонга тушдинг ва қудуқни кўрсатиб-кўрсатмай, ўз аксингга қараб сўқина кетдинг. Ақлинг ва қалбинг шу бўлгач, энди бу ҳақоратларнинг бари сенга тааллуқли бўлиб қолди. Одам бироз босиқроқ, юмшоқ табиат, ҳалимроқ бўлгани тузук. Инсонга мулоимлик ярашади. Ўз-ўзингни озгина тартибга чақир, уялтир. Шунда сувдек тип-тиник бўласан, сувдаги ўз аксингни таний оласан».

«Ирфон»даги бир ҳикоят орқали эса Бедил инсонларни арзимаган нарсанинг ногоҳ қўлдан чиққани учун куйиб-пишмасликни, нафсни озгина тия олишни ўрганишни уқтиради. Чунки ҳикоятда боғ эгаси боғидан битта олма ўғирлаб қочган қарға кетидан қувлаб, чуқурга йиқилиб тушади ва азиз ҳаётдан айрилади. Ундан олмагина эмас, бутун бошли бир боғ ҳам қолиб, бошқаларга насиб қилади. Ахир,

боғбон бу ерда оз меҳнат қилганмиди, баҳору ёз озмунча тер тўкканмиди. Қарғанинг ҳам шундан ризқи бор эканки, битта олмани олибди. Боғбон ахир бунга қувониши керак эди-ку!

Бедил воқеани ҳикоя қилар экан, бу фоний ҳаётда ҳамма нарсага ҳам ортиқча ҳирс қўйвермаслик кераклигини табиатдаги ҳодисалар тасвири орқали уқтиради. Бу дунёда ҳар нарсанинг ўз ўрни борлиги, бошқаларга озгина фойда келтириб туриш ҳам лозимлигини эслатади. Масалан, ўргимчак ғор оғзида уя қурақан, бу билан пайғамбарни кутқариб қолишини билармиди? Бу ҳашорат шу бир-икки тўр тортгани туфайли нажоткор сифатида олқишга сазовор бўлди. Бедил бу ҳикояда, камтарликни улуғлайди ва одам қандай кийим киймасин, хоҳ ипакми, хоҳ дағал жунми, барибир, қадри камаймайди, деган ҳикматни илгари суради. Бедилнинг мўъжаз ҳикоясидаги бу ҳикматли сўзлар ва панд-насихатлар бугунги кунимизда ҳам улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, долзарб масалалар ечимида қўл келиши шубҳасиздир.

Бедилнинг «Мухити аъзам» (Улуғ океан) асарида тасаввуфий ахлоқ, сўфийлар ҳаёт тарзи борасида сўз юритилади. Асар сўнгида келган бир нечта ҳикоятларда эса хулосавий яқунлар ҳавола этилади. Шулардан биттасида инсонга ярашмайдиган бир қилиқ - ёлғончилик кулгули сюжет воситаси орқали гўзал тасвирланади. Бир ёлғончи одам ўзининг денгизда бир неча марта сафар қилиб, тижорат билан шуғуллангани ҳақида кўпиртириб ҳикоя қила кетади. Ўтирган тингловчилардан бири «денгизда балиқ кўрдингми, кўрган бўлсанг қанақа экан» дея савол беради. Ҳалиги одам эса «балиқ ҳам гапми, мен денгиз қаъридан ҳатто гавҳар териб чиқдим, денгизда балиқ борми, деб сўрашнинг ўзи бир аҳмоқлик-ку» дея жавоб беради. Ўтирганлар «ҳа, майли, кўрган бўлсанг, айтақол, биз оми, дунё кўрмаган халқ, билмаймиз, қанақа экан» дея қисталанг қиладилар. Сўзловчи бўлса жиддий равишда шундай жавоб беради: «Балиқ дегани худди туяга ўхшаб бошида икки шохли бўлади. Бу гапдан ҳамма қулиб юборади, чунки маълум бўладики, ҳалиги ёлғончи одам балиқнигина эмас, қуруқликдаги туяни ҳам кўрмаган экан. Албатта, Бедил бу ўринда хонақоҳда лоф урувчи айрим сўфиларни назарда тутган. Бироқ бу латифасимон ҳикоя ёлғончи гапининг миси чиқиб, уятга қолиш мумкинлигидан огоҳлантиради, кишиларни ростгўйликка ундайди.

Кибр ила мардлик ғурурин бари барҳам бўлғуси,  
Токи манманлик зиёд, шарму-ҳаё кам бўлғуси.  
Хом суг эмган на илож, эл оғзига тутманг элак,  
Мулзам этмак истаганлар элни, мулзам бўлғуси<sup>1</sup>.

деб, манманлик, кибрни қораласа, яна бир жойда ҳирсни қоралайди. Бедил ўзининг «Ирфон» асарида «Қаерда ҳирс ўти ёнса у ерда одамгарчилик ўтин ўрнида ёнади»<sup>2</sup>, - дейди. Яна бир жойда эса: «Ҳирсни қондириб бўлмайди, агар шундай бўлганида эди, биз нима ишлар қилган бўлсак, мана шу ишларимизнинг кўпчилиги ярамас ишлар бўлар эди»<sup>3</sup>, - деб уқтиради. Ҳирс асосида худбинлик, молу-дунё, бойликка берилиш, атрофдагиларга ўз бойлиги билан фахрланиш, бошқалар билан ҳисоблашмаслик, меъёрни билмаслик кабилар мужассамлашган. Бедил бу иллатни ҳақида куйидагиларни ёзади:

Ҳирс юкини қачонгача кўтарар инсон,  
Эҳтиёждан фориг бўлса, соф бўлса виждон,  
Жаҳду жадал, ҳиммат, қарам кетмас эди хайф,  
Ҳирс гардини босиб ўтса, супурса осон<sup>4</sup>.

Бедил ҳирсни йўқотишда виждон, ҳиммат, қарам каби ахлоқий қадриятларга асосий эътиборни қаратади. Бундан кўриниб турибдики, ушбу масалада ҳам Бедил ахлоқий фазилатлар билан ахлоққа зид бўлган иллатларни қарама-қарши қўйган ҳолда олиб қарайди. Шунингдек, инсоннинг ахлоқига зид бўлган иллатлар, ахлоқий тушунчаларнинг етарли шаклланмаганлиги билан боғланади. Инсоннинг молу дунёга ҳирс қўйиши, унинг инсоний фазилатлардан йироқ эканлигининг оқибати сифатида қаралади. Бедил шу ўринда ҳирс билан очқўзликни ёнма-ён қўйиб, ҳирсни йўқотиш билан очқўзлик, таъмагриликни ҳам йўқотиш мумкин, дея таъкидлайди.

Бедил ҳирсининг нақадар ёмон эканлиги, агар уни қондиришга ҳаракат қилинса, ёмон оқибатларга олиб келишини таъкидлайди. Унинг яна бир рубойида молу-дунёга қўйилган ҳирс, инсоннинг инсоний моҳияти учун заррача аҳамиятсиз эканлигига ишора қилиб шундай дейди:

Киши то тамиздан ажралмаса гар,  
Тилло-кумуш кайфи унга беасар.  
Одамзод ҳамма вақт қўйганда хино,  
Беҳис тирноқларга яхшироқ юқар<sup>1</sup>.

Бедил таълимотига кўра, фақат идроксиз кишиларгина тилло-кумуш ва дунё бойлигидан лаззат оладилар. Чунки инсоннинг танасига безак бўлган хина ҳам кишининг ҳиссиз жойлари - тирноқ ва сочларига юқади, деб нафс, хирсени қоралайди. Нафс худбинлик туғдиради. Унинг домига тушган киши ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ҳаромдан ҳазар этмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда у золим ва риёкор бўлиб қолади.

Ҳирсининг иллоти Бедил томонидан анчайин кенг ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши бизни чуқур фалсафий мушоҳадага чорлайди. Бу иллатнинг бугунги кунимиз учун ҳам муаммо эканлиги, унинг домига тушган инсонларни фуқароларимиз, ёшларимиз бошига келтираётган кулфатлари кишини бефарқ қолдирмайди. Файласуф ижодини ўрганиш баробарида айни вақтда долзарб бўлиб турган яна бир муаммонинг, яъни динни ниқоб қилиб, халқ бошига кўплаб мусибатларни келтираётган, нафс балосига дучор бўлганларга жавобан куйидаги фикр диққатга сазовордир:

Бу дунёда не-не фитна сурдилар,  
Нафс учун ҳар қандай йўлга юрдилар,  
Одоб нима билмай бир-бирин сўкиб,  
Мазҳаб биносига асос курдилар<sup>1</sup>.

Юқоридаги мисранинг мазмунидан шундай хулоса қилиш мумкинки, дин, мазҳабларнинг турлича бўлиниб кетишида ҳам ҳирс ва нафсга бўлган интилиш, бойлик ортидан қувиш каби иллатлар омил бўлган, деган хулоса келиб чиқади.

Мирзо Бедил ҳирс ва бойликнинг салбий оқибатлари ҳақида фикрини давом эттириб шундай дейди:

Мартабанг бўлса гар жонга ороси,  
Ҳар табиатнинг бор ибрат зиёси.  
Ҳушёр бўл очкўзлар табиатидан,  
Бордир кўз илғамас Шаддод биноси<sup>2</sup>.

Шаддод - золим ва афсонавий подшоҳ исми. Афсонага кўра, зулм ва ҳирс билан тўпланган унинг бойлиги ўзига насиб этмай, путур етади. Бедил шу ривоятга ишора қилиб айтадики, очкўзларнинг тўплаган бойлиги вафо қилмайди ва бошқа одамларга насиб этади. Бу салбий иллатларни таҳлил этишда ҳам файласуф мусулмон Шарқи мутафаккирларига хос тарзда ёндашади. Масалан, Алишер Навоийнинг куйидаги рубойида ҳам бойликка ҳирс қўйиш инсонга хос бўлмаган иллат сифатида қаралган:

Одам ўлгон зеби захирдин демас,  
Кимки ондин фахр этар, одам эмас.  
Зеби зоҳир жуз тамассух келмади,  
Кимсага ондин тафоҳур келмади<sup>3</sup>.

Бундан, ўзини одам ҳисоблайдиган киши бойликка, зеби-зийнатга ҳирс қўймаслиги керак, деган маъно келиб чиқади. Фақат ташқи гўзаллиги, зеби-зийнати билан фахрланадиган киши одам эмасдир.

Мирзо Бедил яхши кийим-бош, еб-ичиш билан мақтанган, ўзи билимдон бўлса-да, ёмон феъл-атвори билан кишилар нафратига дучор бўлган маънавиятсиз кишиларни нафс бандаси бўлмасликка, гўзал хулқ сохиби бўлишга чақиради:

Яхши кийим-бошинг қилма писанда,  
Бўлма фақат томоқ, қоринга банда.  
Сенга ўқталмасин барча бармоғи,  
Зулм-ку бу шуҳрат, бўлма шарманда.  
Кимдаки дағал феъл бўлмиш намоён,  
Билимдон бўлса ҳам нафратга нишон.  
Оламни забт этар гўзаллик, билсанг,  
Ахлокий ҳусндир, шуни де ҳар он<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, мутафаккир очкўзлик, бойлик кетидан қувиш, уни обрў деб билишдан ниҳоятда нафратланади. Инсоннинг безаги, гўзаллиги фақат унинг камсукум, камтарин ва оддийлигида намоён бўлади, деб ҳисоблайди.

Мирзо Бедил, шунингдек, иллатлар бўлмиш адоватни, ичи қораликни, андишасизликни фош этишга ҳаракат қилади.

Фитна кўзгатади кина, адоват,  
Оқиллардан чиқса баттар қабоҳат.  
Энг равшан чироқдан кўтарилган дуд-  
Бошқа ҳамма дуддан қорадир албат<sup>2</sup>.

Бедил адоват барча қабиҳликларнинг илдизи эканлигига ишора қилиш билан бир қаторда, бу иллат оқил ва донолар томонидан содир этилса, энг хавфли салбий оқибатларга олиб келишини уқтириб ўтади. Бедил томонидан иллатларни бартараф этиш мақсадида илгари сурган фикрларда ҳам мутасаввиф мутафаккирларнинг таъсири яққол сезилиб туради. Адоват илллати ҳақида Мирзо Бедилнинг фикрлари Абдурахмон Жомийнинг куйидаги фикрини давом эттиради, дейиш мумкин:

Ким тортса адоват қиличин қиндан,  
Адоват тиғидан бўлади ҳалок<sup>1</sup>.

Афсуски, бугунги жамиятимизда ҳам адоват илллатига дучор бўлган инсонлар учраб туради. Бу иллат оқибатида илм-маърифат, тинчлик ва барқарорликка путур етади, баркамол ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу иллатни бартараф этишда Бедил ижодидан ўринли фойдаланиш, уни маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган тадбирларга кенг татбиқ этиш фойдадан ҳоли эмас.

Бедил адоват ва ҳасад каби иллатни олдини олишда кечиримли бўлишлик фазилатини илгари суради:

Авф эт халқдан келса яхши-ю, ёмон,  
Адоватдан қочиб, роҳат қил инсон!  
Кибру ҳасад бермас кишига ором,  
Одамни менсимай қувилди шайтон<sup>2</sup>.

Мирзо Бедил инсонни иллатлардан, камчилик ва нуқсонлардан ҳоли кўришни орзу қилибгина қолмай, бу иллатларнинг инсоният учун умуман хос эмаслигини исботлашга интилади. Аллома инсонларни яхшиларга ёндашишга, уларнинг этагини тутишга чорлайди. Табиатида ёмонлик, пасткашлик илллати бўлганларга кўшилган юксак фазилатли инсонлар ҳам ўз ижобий хислатларини йўқотиши мумкин:

Баланд пастга кўшилиб қолсалар агар,  
Паст табиати қолиб келар ҳар сафар.  
Тоза сув тиндирилмас лойқа сувни ҳеч  
Лойқа сув тиниғин зумда лойқатар<sup>1</sup>.

Бедил томонидан илгари сурилган ушбу ғоя Кошифийнинг ахлоқий қарашларига мос келади: «Агар яхши одамлар ва авлиёлар билан суҳбат қилиш зарурияти туғилиб қолса, бундай пайтда ярамас ва бадхулқ одамлар билан учрашишдан қочиш керак, чунки ҳамсуҳбатлик инсон феъл-атвориға таъсир этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Яхши одамлар билан мулоқотнинг фойдаси катта бўлса, хулқи ёмон кишилар билан суҳбат қуриш ярамас, ёмон оқибатларга олиб келади»<sup>2</sup>, - дейди Кошифий.

Шарқнинг буюк файласуф-шоири Мирзо Абдулқодир Бедил илгари сурган мулойимлик ғояси бу – сўз, хулқ-атвор, қалб гўзаллиги ва эзгуликни ўзида мужассам этган нафис инсоний фазилат, демакдир.

Бедил жамият барқарорлиги, ҳаёт давомийлигини муҳим шарт, деб меҳр-муҳаббат, мулойимликни билади. Зеро мулойимлик, юмшоқлик билан душманни ҳам дўстга айлантириш мумкин. Бу тушунчанинг аҳамияти яна шунда кўринадики, бугун ер юзида мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфли тус олиб бормоқда. Мана шу жараёнда мулойимлик, босиклик ҳамда теран фикр билан мулоҳаза юритиш, томонлар манфаатларига маъқул келадиган ечимларга амал қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда долзарб масалаларни ҳал этишда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Мирзо Бедил наздида мулойимлик бу - руҳ латифлиги ва нозиклигининг энг олий намунаси сифатида ифода этилади. Руҳ шундай латифликки, уни кўз билан кўриш мумкин эмас. Руҳ – энг нозиклик, қудратлилик ва мусаффолик рамзи, чунки олий даражадаги латофат олий даражада соф ҳамдир. Худди нур сингари. Нур нозик, аммо у ҳаёт асоси, ҳаёт эса бениҳоят қудрат демакдир. Чунки нозикликда таракқиёт бор, қаттиқликда эса, бу хусусият йўқ. Қаттиқлик мўрт ва қуруқ, тез бўлинади, парчаланadi. Майсанинг тошни ёриб чиқиши ҳам шундандир. Бир жойда кўрғошинни емирса, бир жойда тошни синдиришга ишора қилади:

Мо софдилди саршикаи таъби дуруштем,  
Бар санг тараҳҳум набувад шиша гароиро<sup>1</sup>.

Маъноси: Биз софдил кишилар кўпол табиатлилар - раҳимсизларнинг бошини янчувчи (синдирувчилар)миз. Шиша ясовчиларда тошга раҳму шафқат бўлмайди. «Шиша» ва «Ойна» тимсоллари - кўнгил рамзи, софлик, нозиклик, шафқат ифодаси. Бу ерда ҳам Бедил тошни тош ёки ундан ҳам қаттиқроқ жисм эмас, балки тошга урса чил-чил сингувчи шиша енгади, дейди. Сабаби «шишада тошларни синдириш фикри туғилмоқда».

Хуллас, мулойимлик қаттиқликни енгади, чунки мулойимлик ҳаётнинг жавҳари, ҳақиқати; мулойимлик раҳму-шавқат, мурувватдир; мулойимлик Парвардигорнинг сифати; у юксак мартабага кўтарилган руҳ фазилати; у Аллоҳга яқинлашган инсонга хос сифат; у инсон такомиллиги, уйғунлиги - гармониясининг белгиси<sup>2</sup>.

Инсон яратган маданият ва маънавият (музыка, рассомлик, шеърят) мулойимлик қонунларига амал қилади. Инсониятнинг тараққиёти сари интилиши кўполликдан латифликка, қаттиқликдан нозикликка, жаждан ақлга томон ҳаракатдир.

Инсон қалбини илм нурига тўлдирувчи маърифат ҳам мулойимлик белгисидир. Айни вақтда миллий мафкурамизнинг замирида ҳам биз мулойимлик, маърифатлилик ғояси моҳиятини яққол кўришимиз мумкин.

Давлатимиз олиб бораётган сиёсатга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бунда ҳам инсонларни мулойимлиги, ахлоқи ҳамда маънавиятига алоҳида эътибор берилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Фикримизнинг далили сифатида Президент Ислом Каримовнинг 1995 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги маърузасида шундай дейди: «Биз Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бирлари билан учрашганда, авваламбор, «Ассалому алайкум» дейишади»<sup>1</sup>. «Ассалому алайкум» сўзининг ўзи ҳилмликнинг биринчи кўринишидир. Мулойимлик, юмшоқ табиатлилик халқимизнинг ажралмас фазилати, ўлмас ахлоқий қадриятларидан бири эканлиги юртбошимизнинг юқоридаги фикридан ҳам кўриниб турибди. Президент ўз нутқида яна шундай дейди: «Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларга мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, ахлоқда, маънавиятда мулойимлик мужассам. Шундан келиб чиқиб, инсонлар ўртасидаги муносабатларда мулойимлик, ҳилмлик устувор бўлиши бугунги кун талаби даражасига кўтарилмоқда. Мулойимлик, ҳилмлик йўқ жойда, инсоний муносабат, ахлоқий қадрият ҳақида оғиз очиб бўлмайди.

Бугунимизнинг асосий вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод онгига, қолаверса, республикамизнинг барча фуқаролари онгига мана шу маърифат, эзгулик нурини сингдириш, бу нури ҳаёт манбаига айлантиришдир.

Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафий қарашларида донолик, ҳикмат, ирфон муҳим ўрин эгаллайди. Ҳикматсиз, доноликсиз бирор илмга, бирор ижодга қўл уриш ёки унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Маълумки, Шарқ маънавияти доимо илм-маърифат билан уйғунликда раванқ топган. Шарқ қадимдан ҳикматлар хазинаси, жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлган. У ўзининг айнан шундай ҳикматлар хазинаси бўлганлиги учун ҳам қадрлидир. Ибн ал -Арабий руҳлар оламини - Шарқ, нарсалар оламини, инсон танини эса Ғарб деб атаган. Бунга кўра, руҳ куёш нури сингари, Шарқдан чиқиб, одам танасига ўтади, киши вафотидан кейин эса руҳ Ғарбдан - киши танидан чиқиб, яна Шарққа қайтиши керак. Рус адиби В.Сулгинский илгари сурган фикрга кўра, «Ғарб - оқил, Шарқ - донишманд, Ғарб - кенглик, Шарқ - теранлик, Ғарб - ҳаракат билан яшаган, Шарқ эса орзу - умид билан. Хаёл, умиддан афсоналар туғилади, кейинчалик халқ афсоналаридан фалсафий тизимлар шаклланади. Халқ афсоналари фалсафанинг манбаидир. Агар Ғарбнинг атоқли олимлари фаоллар бўлсалар, Шарқда улар файласуфлардир»<sup>1</sup>.

Бедил таълимотида донолик масаласи ўзига хос таҳлил қилинади. Бедил билим, доноликда қалбнинг ролини ҳам эътироф этади.

Файласуф ақлни илоҳий деб, уни юксакликка кўтаради, имонни ҳам ақл билан баҳолайди. «Имони беақл чун жавҳаре бе оинаи нақше аст мавҳум ва ҳаёи беҳирад чун оби бе чашма саробе маъдум». Яъни, ақлсиз имон худди ойнасиз жавҳардай асоссиз, мавҳум ҳамда ақлсиз ҳаё худди манбаи бўлмаган сув каби маъдум – йўқликдир<sup>2</sup>. Мутафаккир-шоир файласуфлар деганда, доноларни, ҳикмат яратувчиларни тушунади.

Бизга маълумки, Шарқ донишмандларининг таълимотида, донолик инсоннинг бахт-саодати билан боғланади. Бедил таълимоти ҳам бундан мустасно эмас. Масалан, Абу Наср Форобий илм, донолик ва ақлни бахтга эришишнинг асосий воситаси сифатида талқин этади. Унингча, ақл ва фан ёрдамида шундай маънавийлик даражасига кўтарилиш мумкинки, бу маънавийлик авлодлар ўлиmidан кейин ҳам инсоният учун хизмат қилади<sup>3</sup>. Инсон ақлига, тафаккурига донишмандлар томонидан берилган бундай фикрларни кўплаб келтириш мумкин. Булардан доноликнинг мағзи ақл, тафаккур ва илмдадир, деган хулоса чиқади. Ҳақиқатдан ҳам ақл - донолик, етуқлик, эзгуликнинг ўзаги саналади. Агар ақл илм билан бойитилса, инсон маънавиятини яна бир поғонага кўтаришда муҳим омил бўлади. Буларнинг

исботини биз Бедил таълимотида янада равшанроқ кўрамиз. Мирзо Бедил илми инсоннинг асл гавҳари эканлигини таъкидлаб, табиатнинг яширин сирларини инсон идрок қилиши учун одам билимли бўлиши, кунт билан ўқиши кераклиги ҳақидаги фикрни илгари суради.

«Рассом қаламсиз ҳеч нарсанинг суратини чиза олмаганидай, - дейди Бедил, – одам ҳам илмсиз ҳеч бир нарсанинг суратини – ҳақиқатини била олмайди. Илмсиз билганлари нуқул жаҳолатдан иборат. Илм ҳар ерда тadbирнинг кафилидир, ғалаба таъсирининг далилидир. Илм инсонни бахтли қилувчи воситалардан бири. Киши жаҳолатга берилса дон пўчоққа айланади, илм-маърифат билан одам пўчоқни донга айлантира олади. Кимки фан соҳасида шам ёқар экан, унинг номи абадий яшайди»<sup>1</sup>.

Буюк мутафаккир «Ирфон» китобида илм - инсоният гавҳаридир, дейди. Инсон камолоти ва фазилати илм билан эканлигини уқтириб, қуйидагиларни ёзади:

То фазлу хунарга безанмай инсон,  
Бирон бахт эшиги очилмиш қачон?  
Жавҳар билан пўлат бўлур жўн темир,  
Илмсиз ўз жинсидан чикмоғи гумон<sup>2</sup>.

Бедил инсонни илм олишга чақиради, илм орқали бахт-саодатга эришиши мумкинлигини уқтириб ўтади. Шунингдек, илмсиз одам ўзининг ҳақиқий моҳиятини англаб етолмаслигини таъкидлаб, илму-ҳикматга юқори баҳо беради.

Мирзо Бедил донолик, ҳикмат, илм-маърифатга мурожаат этар экан, «ибрат» тушунчасига алоҳида урғу бериб ўтади. Бедил назарида кўз-қулоғи бўла туриб, яхши нарсалардан ибрат олмаган кимсаларни уйнинг эшигига, томнинг тешигига ўхшатади. У ўзининг «Чор унсур» китобида бу ҳақда шундай дейди:

Чашми мо балуди кулфат хонаи дар баста аст,  
Сел агар ғофил шавад, оташ дар ин бунёд рез.  
В-ар хона оинадори гавҳари рози дил аст,  
Як кафи хокаш куну дар раҳгузари бод рез.  
Зиндаги бедори аст, исиори чони пок кун,  
Сурати марг аст, ранги хаб бар очсад рез.  
Рангхо дар пардаи таҳриқи мижгон хуфтаст,  
Ҳар чи меҳаҳод дилат з-ин ҳамаи Бехзод рез.  
Муддао ин аст к-аз саъи назар ғофил мабаш,  
Бар асар ҳам тамамо ҳар чи бадабад рез<sup>1</sup>.

*Маъноси:* Кулфатда қолган уйғоқ кишининг кўзи эшиги ёпилган уйга ўхшайди. Бундай одамни йўқ қилишдан сел ғафлатда қолгудек бўлса, жасадида ўт қўйиш керак. Борди-ю, баъзи донишмандлар ўзлари гувоҳ бўлиб кўрган, билганларини сир тутсалар, уларнинг тупроғини елга бериш маъқулдир. Ҳаёт ҳушёрликдан иборат бўлиб, уни азиз умрнинг хизматида бўйсундириш керак. Уйқу ўлим демакдир, у оламдан ўтган кишилар йўлдошидир. Тириклар ҳаракати замирида ҳар хил тусдаги ранглар яширинган. Ана шу туфайли кўнглинг истаган суратларни Бехзод мўйқаламидек ҳаёлда нақш этишинг мумкин. Мақсад шу нарсаларга ибрат кўзи билан боқишни унутма, фурсат сенга насиб бўлган экан, оламни, унинг эзгуликларини томоша қилиб, улардан лаззатлан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Мирзо Абдулқодир Бедил ўз таълимотида донолик, донишмандлик тушунчасини чуқур таҳлил қилади. Аллома доноликнинг муҳим кирраси сифатида «ибрат» тушунчасига эътиборни қаратиши, унинг илғор ғояларидан бири деб билмоқ керак. Гарчи, «ибрат» тушунчасини мутасаввифлар кўп мартаба қўллаган бўлсалар ҳам улар диний қобикдан чиқиб кета олмаганлар. Мирзо Бедил уни таҳлил этганда, нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ёритиб, инсон эзгу-мақсадларининг рўёбга чиқишида ушбу тушунчани аҳамияти ниҳоятда катта эканлигига эътибор беради.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, Мирзо Бедил ахлоқий қарашларида илгари сурилган ахлоқий тамойилларга қуйидагича изоҳ бериш мумкин:

**Карам** – ахлоқий тамойилларнинг муҳими бўлиб, у инсонни борлиқни асраб-авайлашга, инсонларни севишга, меҳр-мурувват тантанасига, мардлик ва жасоратга чақиради. Шунингдек, карам туйғуси инсонда қачон шакллансагина, унда саховат ва адолат камол топади.

Ахлоқий тамойиллар орасида залворли ўринлардан бирини эгаллаган **ҳаё** – инсоннинг ҳаётига мазмун бахш этиб, бутун фаолиятини эзгу ишларга даъват этувчи ахлоқий қадриятдир. У инсонда мардлик, зайрат ва шижоат каби ахлоқий фазилатларни шакллантиришининг муҳим босқичидир.

Мирзо Бедил томонидан илгари сурилган меҳнатсеварлик ахлоқий тамойили ҳам ўзига хос бўлиб, уни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

**Меҳнатсеварлик** – ҳаётнинг мазмунини ифодаловчи муҳим ахлоқий қадриятдир. У инсоннинг одамийлик қиёфасини, туб моҳиятини ифодаловчи ахлоқий мезон бўлиб, фақат меҳнат орқали эришилган неъматгина инсонга роҳат бағишлайди.

**Сабр** – инсонни буюк ишлар қилишга ундовчи, иродасини имтиҳондан ўтказувчи, инсоний қиёфасини англаб етишишга имкон берувчи ахлоқий қадриятдир.

**Ватанпарварлик** – туғилган тупроқ, яшаган макон, дунёга келтирган ота-она, тарбиялаган устозлар, буюк аجدодларимиз қолдирган бебаҳо моддий ва маънавий бойлигимиз, тинчлимизни қўриқлаган давлатимиз, бахтли-саодатли яшаш учун хайрихоҳ бўлган халқимизни хурматлаш, қадрлаш ва севиш туйғусидир.

**Мулойимлик** инсоннинг гўзал ахлоқий қадриятларидан бири ҳисобланиб, у инсон қалбига эзгулик уругини экади. Ҳилмлик ҳар қандай зулм устидан галаба қозонувчи руҳий қувватдир. Халқимиз тили билан айтганда, «Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади». Яхши гап – бу мулойимлик, ёмон гап – бу зулм ва қўрслик белгисидир.

**Донолик** – бу инсоннинг ўз моҳиятини англашидаги муҳим восита бўлиб, инсонлар ўртасидаги муносабатни тартибга келтирувчи, борлиққа гўзаллик бахш этувчи, инсоннинг куч-қудратини кўжарга олиб чиқувчи ахлоқий қадриятдир.

Мирзо Бедилнинг ҳаё, сабр, карам, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва бошқа ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги қимматли ва ибратомуз фикрлари асрлар давомида кишиларни эзгуликка, хайрли ишлар қилишга, камтар ва софдил, билим ва маърифатли бўлишга даъват этиб келди. Шоирнинг инсонпарварлик ва умуминсонийлик руҳи билан суғорилган ахлоқий қарашлари, айниқса, шароитида амалга ошаётган маънавиятимиз ривожига, ёш авлодга хулқ-одоб қоидаларини сингдиришда, таълим-тарбия ва маърифий ишларда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, Мирзо Абдулқодир Бедил илгари сурган ахлоқий тамойиллар бири иккинчисини тўлдиради, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади. Бизнинг фикримизча, Бедил ахлоқий қарашларининг эътиборга лойиқ томони яна шундаки, у ахлоқий қадриятларни ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан таҳлил қилади.

Бугунги кунда ёш авлод тарбияси, маънавий-ахлоқий камолотида, фуқаролик жамиятини қарор топтиришда Бедил илгари сурган ахлоқий қадриятларнинг ўрни эътиборлидир. Сўнгги йилларда мамлакатимиз раҳбари томонидан йилларни маълум бир номлар билан аталиши анъанага айланиб бораётгани барчамизга маълум. Масалан, «оила», «аёллар», «ҳомийлар ва шифокорлар», қолаверса жорий йилимизни «Баркамол авлод йили» деб аталиши ҳам бежиз эмас, албатта. Ушбу номлар замирида фуқароларимизда бир-бирига меҳр-муҳаббат, саховат, бағрикенглик каби фазилатларнинг янада камол топиши Бедил илгари сурган ғояларнинг ахлоқ-одоб жабҳасида ўлмас ҳаётий тарихий тажриба эканлигидан далолатдир.

Юргимизда саховатли ишлари, меҳнатсеварлиги, илму тафаккури билан юртдошларимизга намуна бўладиган фуқароларимиз сонининг ошиб бораётгани, ўлмас маънавий меросимиз, ахлоқий қадриятларимизнинг ҳаётга жорий этилишининг юқори самарасидир десак, хато қилмаймиз.

## **МИРЗО БЕДИЛ ФАЛСАФАСИДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ**

Озод ва обод Ватан ҳамда эркин фуқаролик жамиятини соғлом ва баркамол инсонларгина ярата олади. Шунинг учун ҳам баркамол авлод тарбияси давлатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу нуқтаи назардан қараганда, комил инсон ғоясини буюк файласуф Мирзо Бедил фалсафаси нуқтаи назари асосида тадқиқ этишда ҳам ўзига яраша маъно ва мазмун мужассамдир. Зеро, ушбу ғоя ўзининг фалсафий асоси ҳамда тарихий илдизлари билан бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ғояни илмий-назарий асослар билан бойитишда ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, Президент Ислам Каримовнинг асарлари илмий методологик асосдир. Зеро, «Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз, - дейди юртбошимиз - жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Агар муаммога теран кўз билан қарайдиган бўлсак, баркамол авлод, комил инсон тарбиясида миллий ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида ёшларни тарбиялашнинг аҳамияти ғоят муҳим эканлигини тушуниш мумкин. Демак, масаланинг моҳияти тарихий илдизларимиз, миллий ўзлигимиз ва қадриятларимиз асосида ёш авлодни камол топтиришдан иборатдир.

Шарқ фалсафасида комил инсон масаласи доимо устувор аҳамият касб этиб келган. Айниқса, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Румий, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида ушбу муаммо кенг ва ҳар томонлама ёритилган.

Комил инсон масаласи Бедил асарларида ҳам муҳим ўрин тутган. Зеро, Мирзо Бедил дунёқараши марказида инсон муаммоси, унинг шаклланиши, камолоти муаммолари туради.

Файласуф-шоир Мирзо Бедилнинг инсон, унинг фазилат ва нуқсонлари ҳақида сўз юритишдан мақсади инсонларни яхшиликка чорлаш, комилликка эриштириш, ёмонликни бадном этишдан иборат. Бедил учун инсон муаммоси - энг азиз, қутлуг ва шарафли мавзудир. Шунинг учун ҳам бу хусусда у ўзининг «Ирфон» асарида алоҳида сўз юритади. У инсонни ирқий, миллий ва диний тафовутлардан қатъий назар, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор зот, энг олий вужуд деб билиб, уни «Ҳазрати инсон», деб ардоқлайди:

Тўрт даҳр аро сен хайратли бир боб.  
Етти баҳр ичра гавҳари ноёб.  
Ҳар нарсагаким, етибди ақл,  
Ундан афзалсан, буни яхши бил.  
Дунё мевасини ҳосилдорисан  
Барчасидан ҳам ширинкорисан<sup>1</sup>.

Бедил инсонни севишни, инсонларни эъзозлашни умуман, инсонийликни комилликнинг муҳим жиҳати сифатида қарайди. Бедил ушбу ғояда Азизиддин Насафийга яқин туради. Насафийнинг куйидаги гаплари фикримизнинг далилидир: «Инсонийлик ҳадди-чегарасини эгаллаган ҳар бир киши комил инсон бўлади ва кичик оламини яқунлайди»<sup>2</sup>, - деб уқтиради.

Инсон дунёга келгач, ўз-ўзини танишга мажбурдир, дейди Бедил. Чунки дунёдаги мавжудотлар ичида энг ақлли ва онглиси инсондир. Бедил нуқтаи назарига кўра, инсоннинг мукамаллиги, камолоти унинг биологик-физиологик (жисмоний) ҳамда ижтимоий, маънавий-руҳий қувватларининг бирлигида, мутаносиблиги ва уйғунлигидадир.

Мутафаккирнинг фикрича, инсоннинг биологик-физиологик моҳиятини белгиловчи асосий омил бу - инсоннинг моддий олами билан боғлиқ бўлган жисмоний куч-қуввати, озиқланиши ва меҳнат қилишидир.

Иброҳим Мўминов тадқиқотларида давр мафқурасининг таъсиридан келиб чиқиб, инсоннинг руҳий камолоти инсон танасининг саломатлиги ва яхши овқатланишга боғлиқ, деган ғоя илгари сурилган<sup>1</sup>. Бизнинг назаримизда инсоннинг жисмоний моҳияти бевосита унинг овқатланишига боғлиқ. Яхши овқатланиб, куч-қувватга тўлган кишининг меҳнат қилиш қобилияти юқори бўлади. Лекин руҳий-маънавий камолоти масаласида юқоридаги фикрга тўлиқ қўшилиш қийин, чунки Бедил инсоннинг моҳияти ҳақида гапирганда, унинг ўз-ўзини англашга интилиши ғоясини илгари суради.

Инсоннинг ижтимоий, маънавий-руҳий моҳиятини мутафаккир илм-фан ва ҳикматга бўлган муносабат билан боғлайди, чунки Бедил инсонни борлиқ илмини билгувчи, Илоҳ ҳикматини ўзлаштирувчи ҳилқат сифатида таърифлайди. Бедил инсоннинг ақлий моҳиятини илм эгаллаш билан боғлар экан, бу йўлдан чекинганларга афсус билан қарайди. Инсоннинг умрига абадийлик бағишловчи восита сифатида ҳам илмни таъкидлайди:

Ҳайфи инсон, ки бо чунин чавҳар,  
Сар кунад ғайри илм роҳи дигар<sup>2</sup>.

Ана шундай илоҳий жавҳарга эга инсон, агар, илмдан бошқа нарса билан шуғулланса, ҳайф ва афсус. Жисмоний меҳнатнинг баракаси ҳам илм билан эканлигини мутафаккир, ҳар бир соҳа вакилини илм эгаллашга чақириши орқали таъкидлайди. Илм руҳнинг мураббийси, руҳни поклаб, мутлақ руҳ васлига мушарраф этиши ҳақида мутафаккир шундай дейди:

Ҳар ки шамъаш зи илм даргирад,  
То абад доғи марг напазирад.  
Партави илм дурбоши фаност,  
Субҳ то равшан аст, шом кужост<sup>1</sup>.

Яъни, кимнинг шамъи илм билан ёқилган бўлса, у абадул-абад ўлим доғини кўрмайди. Илм ёғдуси фано - йўқликни ҳайдовчидир, ахир тонг ёришиб турар экан, шом бўлмагай. Шунингдек, инсон камолотини белгиловчи маънавий-руҳий моҳиятда инсоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббати ва эътиқоди илгари сурилади. Иймон-эътиқод ҳам руҳий қувватдан баҳра олади. Бу жараён инсоннинг ўз борлигини англашдан бошланади, десак муболаға бўлмайди, чунки инсон ўзини англашга киришар экан, бунинг оқибатида Аллоҳни англаш сари интилади. Пировардида инсонни Аллоҳга муҳаббати ортиб боради. Илоҳий муҳаббатнинг юксалиши, инсоннинг руҳий камолотида ҳал қилувчи босқичдир, чунки инсон илоҳий муҳаббат йўлида покланиб борар экан, унинг маънавий камолоти, ахлоқий фазилати юксалиб

боради. Инсоннинг хулқ-атворида, илм-хунарга бўлган интилишида юқори поғоналарга кўтарилиш истаги ортиб боради.

Бедил инсоннинг жисмоний ва ақлий-руҳий моҳиятини таҳлил қилар экан, унда бевосита тасаввуф ғояси устуворлик қилади. Ғаззолийнинг қуйидаги фикрлари буни тасдиқлайди: «Икки нимарсанинг бири зоҳир бадандурки, ани тан атабдурлар, муни зоҳир кўз бирла кўргали бўлур. Яна бири ботиндурки, ани нафс дерлар, жон атарлар ва дил ҳам дерлар. Билғилки, таннинг мисоли шаҳарга ўхшашдур. Кўл ва оёқ ва ўзга аъзолар бу шаҳарнинг хунаремандлариға ўхшашдур. Дил - бу шаҳарнинг подшоҳидир. Ва ақл бу шаҳарнинг подшоҳини вазиридур. Ақл дилнинг шамчироғидур. Токи дил ул шамъ нури бирла ҳазрати парвардигори олам жамолини мушоҳада қилғайким, ул жамоли баркамол подшоҳ дилнинг биҳиштидур. Бас, ақл дилнинг хизматкоридир»<sup>1</sup>. Демак, инсоннинг тана ва руҳи, моддий ҳамда руҳий олами масаласида файласуф ва мутасаввиф алломалар фикр-мулоҳазаларининг бир-бирига яқинлигини яққол кўришимиз мумкин. Инсоннинг камолотида ҳар икки алломада ҳам руҳий камолот, инсоннинг ўзини ва Аллоҳни англаши каби масалалар илгари сурилган. Шунингдек, руҳ камолотида ақлнинг таъсири Ғаззолий таълимотида ҳам кўзга ташланади. Шу ўринда тана, ақл, руҳ моҳиятининг бевосита инсон камолотида уйғунлик касб этиши Бедилда юқори поғонага кўтарилади.

Мирзо Бедил комил бўлиш, бу ўз-ўзини билиш ҳамдир, деган фикрни айтади. Файласуф таълимотига кўра, инсоннинг асосий мақсади комилликка эришиш. Бу фикрни у қуйидагича ифодалайди:

Чин камолот ихтиёр қилмоқчиман,  
Яъни йўқлик ошкор қилмоқчиман.  
Кўп чигал борлик ўриш-арқоқлари,  
Мен нафас-ла тор-мор қилмоқчиман<sup>2</sup>.

Юқоридаги мисраларда мутафаккир камолотга эришиш орқали йўқлик тушунчасига ҳамда йўқликка барҳам бериш ғоясини илгари суради. Бизнинг наздимизда файласуф бу ерда инсоннинг илмий-маънавий етуқлиги унинг абадийлигига, ўлим ва йўқликни енгишига ишора этмоқда. Файласуф-шоир «Мен нафасла тор-мор этмоқчиман» деганда, бевосита илмий-маънавий юксаклик, Аллоҳни англаш ҳолатлари назарда тутилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мирзо Бедил оламнинг сир-синаотини билишда, жумбоқлар исканжасини енгишда комилликни биринчи ўринга қўяди. У комил инсоннинг хислатларини одамлардан излайди, инсонни ўзини англашга даъват этади. Бедил ушбу ғояни илгари суришда мутасаввифларнинг ўз-ўзини англаш ғоясига таянган ҳолда қуйидаги фикрни илгари суради:

Инсон ўзини бўлгани каби кўрсатсин,  
Ё кўрсатгани каби бўлсин<sup>1</sup>.

Инсон қандай бўлса шу ҳолда, ўзини бўймай кўрсатишга етишиш учун ўз борлигини тўғри тасаввур этиши, инсоний моҳиятини тушуниб етиши лозим. Бедил одамларнинг ички дунёси унинг ташқи қиёфаси билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлишига урғу бериб, дил билан тил, қалб билан қиёфа бирлигини сақлашга ундайди. Бу билан мутафаккир инсонни такаббурлик ва мунофиқликдан воз кечишга чакиради.

Агар инсон ўзининг ким эканлигини тўғри фаҳмлай билмаса, турмушда ўзининг ҳар бир қадамини таҳлил этиб яшашдан ожиз қолса, унинг дунёни тушуниши амри маҳолдир. Ўз ҳолини англамаган, қалбида кечган ботиний туйғуни бошқара олмайдиган киши ўзгаларни тўғри англаб, борлик моҳияти ҳақида ҳаққоний фикр юритишга қодир бўла олмайди. Инсон ўзининг салбий жиҳатларини идрок эта олгандагина, ҳақиқатга яқинлашиши мумкин, ҳаққа яқинлашмоқ эса, инсон борлигининг азалий муродларидандир.

Бедил томонидан илгари сурилган ўз-ўзини англаш ғояси Азизиддин Насафийнинг комил инсон тўғрисида айтган фикрларига ҳам монанд келади. Масалан, «Кимки ўзини англаган, ўзини таниган бўлса, ўз Раббини англайди ва танийди. Ўзини таниган киши - улуғ олам (олами кабир)ни ҳам англайди. Шунинг учун барча кучни ўз-ўзини англашга сарфлаши лозим»<sup>2</sup>, - дейди Азизиддин Насафий.

Мирзо Бедил инсон табиатини таҳлил қилар экан, уни доимо изланувчанликка мойил эканини таъкидлайди. Файласуфнинг юқоридаги фикри, мутасаввиф Азизиддин Насафий томонидан илгари сурилган, одамзод ҳам сафардадир ва ўз моҳиятига эришмагунча тинмай ҳаракат қилади, (агар шундай қилмаса) у ўзини ҳам танймайди, ҳам хулқ билан безаниб камолот касб этмайди, деган фикрига ниҳоятда яқиндир. Азизиддин Насафий инсон камолоти ҳақида мулоҳаза юритганда, ахлоқ масаласига алоҳида эътибор қаратади. Буни биз унинг қуйидаги фикри орқали билишимиз мумкин: «Эй дарвеш, ахлоқий хислатларла безанмаган, ўзини танимаган одамлар кўп, аммо улар ҳали комил эмас. Гўзал

хислат-ла безанган бўлиб, лекин ўзини танимаганлар бор. Булар ҳам комил эмас. Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши тугал ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади»<sup>1</sup>, - дейди Азизиддин Насафий.

Умуман, мусулмон Шарқи мутафаккирларининг асарларини илмий таҳлил қиладиган бўлсак, инсонни ўз-ўзини англаши, ахлоқий ва маънавий юксаклиги камолотнинг бош мезони сифатида қаралади.

Мирзо Бедил комил инсоннинг хислатларини ердаги одамлардан излайди, инсонни ўзини танишга, буюклигини англашга даъват этади. Унинг таъкидлашича, инсонда нафақат икки дунёнинг асрори мужассам, балки у икки дунёдан улғурокдир. Бедил илгари сурган ғояда оламнинг ягона рух тажаллийси орқали бошқарилиши, ҳар бир заррада шу мутлақ жавҳарнинг зуҳури борлиги таъкидланади. Бедил «Муҳити аъзам» (Буюк укёнус) номли асарида оламнинг яратилишини майнинг кўпириши билан қиёслайди, май бу ўринда илоҳий тажаллий - нури Мутлақ бўлиб, оламнинг ҳаракати, жамоли шундан, дейди у. Одамларнинг тиниб-тинмас ҳаёти, орзу-армонлари, фикр-ижодлари ҳам шу майдандир. Бу май гўё бир олов, у кишини ҳамиша маст этиб, ўз асли-раббига тортаверади. Бутун олам - ягона рухнинг ижоди. Ўша туфайли мавжуд ва ўшанга қайтади. Инсон руҳи ҳам оловдир. У жисмни ёндириб кул қилмагунча тинчимайди. Ёр вужуди кул бўлмагунча тинчимайди, йўқлик сари интилиш суръати ана шундай.

Мирзо Бедил инсон комиллигини таҳлил этишда, бошқа тасаввуф шоирларига яқин туради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Бедил илгари сурган таълимотда ҳар бир инсон камолот сари интилиши лозим, бироқ комилликка эришиш осон эмаслиги, бу йўлда ниҳоятда сабр-бардошли, қатъиятли бўлишликка алоҳида эътиборни қаратади. Файласуф-шоир уни қуйидагича тавсиф этади:

Бу даштда интилиш қарвонлари бор,  
Йўловчи шиддатин нишонлари бор.  
Камолга бир йўла этиб бўлмайди,  
Тўлин ой йўлида нарвонлари бор<sup>1</sup>.

Комил инсон ғоясини илгари суришда ҳам Бедил мутасаввиф алломаларга яқин турар экан, биз ушбу ғоя таҳлилида Бедил қарашларини ўрта асрлар мутасаввиф алломаларининг ғоялари билан қиёсий таҳлил қилишни давом эттириб, Азизиддин Насафий қарашларига яна бир қарра эътиборни қаратмоқчимиз. Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон», «Мақсади ақсо», «Зубдат-ул ҳақойиқ» каби рисолаларида инсон хилқати, унинг истеъдоди ва нуқсонлари, инсонни камол топтириш масалалари ўрганилади. Мутасаввиф комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шарият, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар. Яъни, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маъориф»<sup>2</sup>. Насафийнинг фикрича, тариқат йўлига кирган солиқларнинг вазифа-мақсади ушбу тўрт фазилатни эгаллашдир. Инсон қоинотнинг кичрайтирилган нусхаси, инсонда барча илоҳий ва моддий оламларнинг хислати жамул жам. Инсон шунини англаши ва ўз руҳи - илоҳий жавҳарни поклаб, асл мақомига қайтиши лозим<sup>3</sup>. Насафий томонидан илгари сурилган ушбу ғоя, яъни инсонни микро олам деб билиши, унда борлиқнинг барча хоссалари мужассамлиги, инсон буларни англаб этиш орқали камолот сари бориши ифодаланган. Мирзо Бедилнинг комил инсон ғоясида ҳам Насафий қарашларининг айрим жиҳатлари ўз ифодасини топган ва ривожлантирилган.

Ўзбекистон ўз олдига озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни мақсад қилиб қўяр экан, бу мақсад йўлида аввало баркамол авлод, комил инсонларни тарбиялаш устувор вазифа қилиб белгиланиши шубҳасиз. Жорий йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ёшларни баркамол авлод бўлиб этишишлари учун юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътиборнинг юксак намунаси, дейишимиз мумкин. Чунки «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ ажратилганлиги фикримизнинг далилидир<sup>1</sup>. Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, комил инсон, баркамол ва соғлом авлод тарбияси бутун жамиятнинг бош вазифасига айланмас экан, бу мақсадни амалга ошириш мушкул бўлиб қолаверади. «Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»<sup>2</sup>, дейди Президентимиз И.Каримов.

Сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда, давлатимиз, жамиятимиз қурилишида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг маъно-моҳияти соғлом авлод тарбияси билан узвий боғлиқ эканлиги, ушбу соҳалардаги ислохотлар қўламида ҳам ўз аксини топмоқда. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, мустақил ватанимизнинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб аталгани, «Соғлом авлод учун халқаро жамғарма» тузилгани фикримизнинг далилидир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, ёш авлод тарбиясига муҳим эътибор берилиб, ушбу мақсад йўлида юртимизда соғлом авлод дастури ишлаб чиқилди ва бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу дастур, бу сиёсат фақат жисмоний жиҳатдан бақувват инсонларнигина эмас, балки маънавий баркамол инсонларни ҳам вояга етказиш вазифасини кўзда тутди.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири - комил инсон ғояси эканлиги бунинг далилидир<sup>1</sup>. Яъни, мафкурамизнинг асосий мақсадларидан бири - ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон ғоясини миллий истиқлолдан ажратиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, комил инсоннинг моҳияти, аввало жамиятни баркамол қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда намоён бўлади.

Жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони, шахснинг баркамоллиги орқали жамиятни бахт-саодатли қилишдан иборат бўлиб келган. Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир<sup>2</sup>.

Инсон камолотида жисмоний ва маънавий гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Жисмонан бақувват, соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки ижтимоий қадриятдир. Комилликнинг яна бир жиҳати ватанга, миллатга, элу-юртга садоқат билан хизмат қилишдир.

Комиллик инсоний фазилатларнинг уйғунлигини ифодалайди. Кишининг ички ва ташқи дунёси, соғлом фикр ва оқилона сўзи билан амалий фаолияти, тили билан дили бирдай бўлиши комилликнинг мезонларидир<sup>3</sup>.

Президент Ислом Каримов комил инсон ҳақида фикр билдириб, «Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда мафкуравий урушлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга»<sup>1</sup>, - деган хулосага келади. Шунинг учун мамлакатимиздаги тарбиявий-ташқилий, маънавий-маърифий ишлар масалани ана шу икки жиҳатини ҳам қамраб олмақда.

Маънавий баркамол, комил инсонларгина инсоният оламини асраб, уни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиши муқаррар эканлигини илм-фан яна бир бор исботламоқда.

Умуман, Мирзо Бедил инсоннинг камолоти ҳақида фикр юритганида, инсоннинг вужудидаги жисмоний, ақлий ва илоҳий моҳиятнинг бир бутун мавжудлиги, унинг комиллигига асос бўлишини исботлашга ҳаракат қилади. Инсонни севиш, руҳни поклаш, таълим-тарбия каби ахлоқий тушунчалар инсон камолотининг мезони сифатида қаралади. Бедил дунёқарашдаги ахлоқий қадриятлар умумлашган ҳолда комил инсонни акс эттиради.

Мирзо Бедил томонидан илгари сурилган **комил инсон** – *бу илоҳий муҳаббатни қалбига жо этган, ўзини ва борлиқни анлаган, инсон қалбини «Аллоҳнинг уйи», деб билиб, инсонни севган ва қадрлаган, оламни маънавият, маърифат нури билан безашга интилан, ахлоқий қадриятларни ва умуман жисмоний, ақлий, руҳий моҳиятни ўзида мужассам этган инсондир.*

Мирзо Бедилнинг комил инсон борасидаги ғояларини умумлаштириб, куйидаги хулосага келиш мумкин:

**Биринчидан**, инсоннинг ўзлигини англаши, ўзини борича ё кўрсатгани каби бўлиши ёки бўлгани каби кўрсатиши инсоннинг камолоти йўлидаги дастлабки қадамдир.

**Иккинчидан**, инсоннинг жисмоний, ақлий ва руҳий моҳиятининг уйғунлиги, инсон камолотини таъминловчи асосий омиллардир. Чунки жисмонан соғлом ва бақувват, ақлан етук ва баркамол, мустақил дунёқарашга эга, ижтимоий муносабатларда фаол, шунингдек, маънавий-руҳий жиҳатдан камол топган, эътиқоди мустаҳкам, ёт ва бузғунчи ғояларга қарши туриб, инсоният тараққиёти, маънавий камолоти учун ўзини масъулиятли ҳис этиш, комил инсон қиёфасининг асосий намунаси саналади.

**Учинчидан**, файласуф-шоир Мирзо Бедил илгари сурган комил инсон ғояси инсонни комиллик сари интилишида, ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялашда, ҳозирги вақтда ҳам ўз тарбиявий кучини йўқотмаган ўлмас эзгу ғоядир.

Бу ғоя жамиятда, кишилараро муносабатда рўй бераётган салбий иллатлар ва одамийликка зид хатти-ҳаракатларга қарши курашда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларни бирлик ва ҳамжиҳат бўлиб яшашида, миллий ғоя ва маънавиятни ёшлар онгига сингдиришда албатта катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу ғоя миллий истиқлол ғоясини халқ онгига сингдиришда, маънавият ривожига, баркамол инсонни тарбиялашда шубҳасиз ғоявий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

**МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

«Мирзо Бедилнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари» мавзуини мустаҳкамлаш ва чуқур ўрганишда янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Масалан, ФСМУ (Ф-фикрингизни баён этинг, С-фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг; М-кўрсатган сабабингизни исботловчи далил ва мисол келтиринг; У-фикрингизни умумлаштиринг) – технологиясидан фойдаланиш ҳам талабаларда мавзунинг мазмунини кенг таҳлил этиш имконини беради. Чунки бу технология тингловчиларнинг ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш, шунингдек, фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашиш маданиятини ўргатади. Масалан:

Фикр – «Мирзо Бедил - ахлоқшунос олим ва файласуф».

Сабаб – Мирзо Абдулқодир Бедил ўзининг кўплаб асарларида инсоннинг маънавий камолоти ва ахлоқий кадриятлари ҳақида, оламни билиш ҳамда англаш, инсоннинг ўзлигини англаш ҳақида фикрларни баён этган.

Мисол – Бедилнинг «Ирфон», «Чор унсур», «Комде ва Мудан», «Тилсимий ҳайрат» ва бошқа асарлари ҳамда рубойларида яхшилик, адолат, комил инсон каби ғоялар илгари сурилган.

Умумлаштириш – Мирзо Бедил ахлоқий қарашларини ва мутафаккир асарларида илгари сурилган ғояларнинг фалсафий таҳлили натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, Мирзо Бедил ахлоқшунос олим, файласуф мутафаккирдир.

Ушбу технология табалаларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, фикрини тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга имкон беради. Масалан, юқорида келтирилган материаллар асосида куйидаги топшириқларни бериш мумкин:

«Ахлоқий кадриятлар – маънавий тараққиёт мезони», «Комил инсон – жамият тараққиёти ва барқарорлиги омили», «Адолат – тинчлик ва барқарорлик омили», «Яхшилик – эзгу фазилат», «Ёмонлик – вайронкор ғоя», «Ҳаё – мардлик ва миллий ғурур ифодаси» ва бошқа шу каби масалалар устида талабаларни фикрлашга, мунозара ва баҳсга тортиш мумкин. Бунда ҳар бир талаба ёки кичик гуруҳлар берилган топшириқни ФСМУ технологияси асосида мустақил бажаришлари талаб этилади.

Бу технология янги мавзунини чуқур ўрганишдан аввал, талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда талабаларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундайди.

Бу эса талабаларга ўз билимлари, тушунчалари ва тасаввурлари даражасини аниқлашга ёрдам беради. Маъруза матни билан яхши таниш, уни чуқур ўзлаштирган, билимли, ақл-идрокли талабаларгина бу технологияни илмий жиҳатдан тўғри ишлай оладилар.

Шунингдек, юқоридаги ва шу каби бошқа мавзуларни ёритишда «Чархпалак» технологиясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Унда талабалар 4 ёки 6 тагача кичик гуруҳларга бўлиниши ва уларга мустақил иш тарзида Мирзо Бедил ахлоқий қарашларида илгари сурилган яхшилик, ёмонлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, адолат, ҳаё, карамлилик, ишқ-мухаббат, комил инсон каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини кетма-кетликда ёзиб бериш топшириғи берилади.

Гуруҳлар ҳар бир топшириқ устида белгиланган (2-3 дақиқа) вақт ичида ўзларининг фикрларини ёзишади, бунда юқоридаги ахлоқий кадриятлар алоҳида ватманга ёзилади ва ҳар бир кичик гуруҳлар томонидан ажратилган вақт давомида тез-тез тўлдириб борилади. Гуруҳлар берилган тушунча ҳақида ўзларининг фикрларини қоғозга тушириб боришади. Натижада ҳар бир гуруҳ 4 ёки 6 та тушунча ҳақида ўзларининг фикрларини билдиришга эришадилар.

Ўйин якунида ҳар бир гуруҳ ўзлари бошлаб берган тушунчанинг тақдиротига чиқишади. Масалан «Яхшилик» тушунчасини биринчи гуруҳ бошлаб берган бўлса, олтинчи гуруҳ уни ниҳоясига етказди. Тақдиротда эса биринчи гуруҳ чиқади. Қолган «Ҳаё», «Адолат» ва ҳ.к. тушунчалар ҳам шу шаклда бажарилади. Бу топшириқ бир вақтда бошланади ва белгиланган 2-3 дақиқа ичида чархпалак шаклида тез-тез алмашилади. Охири, ҳар бир гуруҳнинг ўзларига биринчи берилган топшириқдаги ватман қайтиб келади ва улар ўзларига берилган тушунча тақдиротига чиқишади.

Бу ўйин шаклидаги педагогик технологиянинг ютуғи шундан иборатки, унда дарсдаги барча талабалар иштирок этиш ва режада белгиланган мавзу юзасидан ҳар бир ахлоқий тушунча ҳақида ўзларининг мустақил фикрларини баён этиш имконига эга бўлишади. Тақдирот сўнгида ўқитувчи талабаларга ўз минтдорчилигини билдириб, мавзунинг хулосасини ва тўғри жавобни талабаларга эълон қилади.

Топшириқни қуйида келтирилган жадвал орқали бажариш мумкин. Жадвалнинг биринчи устунини гуруҳнинг рақами, иккинчи устунда гуруҳнинг номи (рамзий маънода «Ялпиз» ва ҳ.к.) ва учинчи устунда берилган топшириққа жавоб ёзишади. Қуйида келтирилган жадвалда «Яхшилик», «Адолат», «Мулойимлик», «Карам» ахлоқий тушунчалари берилган. Топшириқлар бир вақтнинг ўзида гуруҳларга тарқатилади. Ва гуруҳларга топшириқни бажариш бўйича регламент белгиланади (2 дақиқа). Шу вақт ичида улар ўзларидаги топшириқни бажариб, кейингиси билан алмашишади. Тахминан 8-10 дақиқа вақт ичида, гуруҳлар барча топшириқлар ҳақида ўзларининг фикрларини қоғозга туширишга улгуришлари керак бўлади. Шундан кейин ҳар бир гуруҳ ўзлари бошлаган топшириқни олиб,

тақдимотга чиқишади. Гуруҳнинг бир аъзоси тақдимот килганда, бошқалар кўшимча қилишлари мумкин. Агар билдирилган фикрларга эътироз бўлса, масалан «Яхшилик» тушунчасининг тақдимоти учун «Ялпиз» гуруҳи чиққанда, эътироз ушбу тушунча бўйича «Бинафша» гуруҳи томонидан билдирилган бўлиши мумкин, унда мана шу топшириқ бўйича «Бинафша» гуруҳидан бир аъзо саволга жавоб беради.

«Чархпалак» технологияси муҳокама қилинаётган мавзулар ҳақида мушоҳада қилиш, уларни тушуниш, ўргатиш борасида турли мезонларни асос қилиб олган ҳолда, муайян изчилликда тасаввур қилишга замин яратади.

«Чархпалак» методи талабаларнинг дарс жараёнидаги фаолликларини таъминлайди. Уларни эркин фикр юритишга йўналтириш билан бирга муайян мавзу юзасидан ранг-баранг ғояларни тўплашга, ижодий вазифаларни ҳал этишга, ечиш жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлган фикрларни энгиб, барчани фикрлари билан ўртоқлашишга, бахслашишга ўргатади.

Таянч тушунчалар: Яхшилик, ёмонлик, адолат, меҳнатсеварлик, комил инсон, тасаввув, борлик, ишқ-мухаббат, мулойимлик, ҳаё, ватанпарварлик, нафс, сабр, инсонпарварлик.

### МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН САВОЛЛАР

1. Мирзо Бедил фалсафасининг ўзига хос хусусияти нимада?
2. Мирзо Бедил фалсафасида ахлоқий қадриятларнинг туган ўрни қандай?
3. Мирзо Бедилнинг қандай асарларини биласиз?
4. «Комде ва Мудан» асарининг ғоявий мазмуни нимадан иборат.
5. Яхшилик ва ёмонлик тушунчасининг Мирзо Бедил асарларидаги талқини.
6. Нима учун Мирзо Бедил «Яхшилик ва ёмонлик»ни жаннат ва дўзахга ўхшатади?
7. Бедил ахлоқий қарашларида инсоннинг маънавий камолотига тўсиқ бўладиган қандай иллатлар, эзгу фазилатларга қарама-қарши қўйилган.
8. Ватанпарварлик тушунчасининг фалсафий мазмуни нимадан иборат?
9. «Карам» тушунчасининг диний-фалсафий талқини қандай?
10. «Мулойимлик» ахлоқий тушунчасининг ижтимоий муносабатлардаги аҳамияти нимадан иборат?
11. Жамиятнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашда «Адолат» тушунчасининг ўрни ва аҳамияти.
12. Комин инсон ғоясининг аҳамияти.
13. Мирзо Бедил комил инсоннинг муҳим жиҳатларини нимада кўрсатади?
14. Бедил фалсафасида инсоннинг ўз-ўзини англаш масаласи қандай талқин этилган?
15. Инсонпарварлик ғоясининг аҳамияти нимадан иборат?
16. Шарқ фалсафий тафаккури тарихида Мирзо Бедил таълимотининг ўрни.
17. Баркамол авлод тарбиясида Мирзо Бедил ахлоқий қарашларининг аҳамияти.
18. Мирзо Бедил ахлоқий қарашларида инсон ва унинг моҳияти масаласи қандай таҳлил этилган?
19. Бедил ахлоқий қарашларининг шаклланишида тасаввувнинг таъсири.
20. Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишимизда Мирзо Бедил фалсафасининг аҳамияти нимадан иборат?

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
6. Каримов И.А. Мустақиллик биз учун - ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаатлари, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
8. Айний С. Танланган илмий асарлар. Мирзо Бедил. – Т.: «Фан», 1978.
9. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ мероси» 1993.
11. Алишер Навоий шеърятидан. («Чор девон»дан тузувчи. Ш.Шомухамедов) – Т.: «Ўзбекистон». 1977.
12. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Ф.Фуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
13. Бедил М.А. Куллийет. Душанбе, «Ирфон», 1956.
14. Бедил М.А. «Комде ва Мудан». Назармат таржимаси. – Т.: «Ўзбекистон» давлат бадий адабиёт нашриёти, 1960.
15. Бедил М.А. Рубойилар. Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т.: Ф.Фуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1974.
16. Бедиль. Избранное.(Составление Р.Хади-Заде) Душанбе. «Ирфон», 1984.
17. Бедил М.А. Такаллум. Матназар Абдулҳаким таржимаси. Қуддус, 1995.

18. Бедил ва ўзбек маънавияти. Техрон–Тошкент. Ал-Худо-Мовароуннахр, 2005.
19. Бертельс Б.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: «Наука». 1965.
20. Жакбаров М. Комил инсон ғояси: Тарихий-фалсафий таҳлил. – Т.: «Абу Али ибн Сино». 2000.
21. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: «Шарк», 1999.
22. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991.
23. Комилов Н. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Т.: «Маънавият», 1997.
24. Маҳмуд Асъад Жўшон. Ислом, Тасаввуф ва ахлоқ. (Сайфиддин Сайфуллоҳ таржимаси) – Т.: «Истиклол», 2000.
25. Мирза Абдулқодир Бедил. Шавқингни ёд этиб. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.
26. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.
27. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида (форс тилидан Х.Алиқулов таржимаси) Т., Адолат, 1995.
28. Мўминов И. Мирза Бедил. – Т.: «Фан», 1964.
29. Мўминов И. Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1957
30. Мўминов И. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: «Фан», 1969.
31. Назаров Қ. Аксиология кадрятлар фалсафаси. – Т.: «Маънавият», 1998.
32. Низомиддинов И. Мирза Абдулқодир Бедил. – Т.: «Фан», 1970.
33. Ортиқов Н. Маънавият: Миллий ва умуминсоний кадрятлар. – Т.: «Фан», 1994
34. Саййид Ҳайбатуллоҳ хўжа Хислат. Тухфаи Хислат. (Тузувчи Урфон Отажон.) Тухфаи Хислат. – Т.: «Нур», 1992.
35. Саъдий Шерозий. Гулистон. Форсийдан Муҳаммад Ризо Огахий таржимаси. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.
36. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
37. Туркистонда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: «Университет», 1992.
38. Фалсафа: комусий луғат. – Т.: «Шарк», 2004.
39. Фитрат. Бедил. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси. 1996.
40. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт. – Т.: «Фан», 1994.
41. Шайхова Х.А. Миллий кадрятлар ва инсон камолоти. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
42. Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. – Т.: «Фан», 1968.
43. Шуқуров Ш. Мирза Бедилнинг поэтик мероси. – Т.: «Фан», 1979.
44. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
45. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
46. Қадимий ҳикматлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.

## МУНДАРИЖА

Баркамол авлод тарбиясида ахлоқий кадрятларнинг аҳамияти.....	3
Мирзо Бедил фалсафасида ахлоқий тушунчалар талқини.....	9
Мирзо Бедил ахлоқий қарашларининг асосий тамойиллари.....	29
Мирзо Бедил фалсафасида комил инсон ғояси .....	54
Мавзуни мустаҳкамлаш юзасидан тавсия этилган янги педагогик технологиялар .....	66
Мавзуни мустаҳкамлаш учун тавсия этилган саволлар.....	70
Фойдаланилган адабиётлар.....	71

**Ойниса МУХАММАДИЕВА**

**МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ  
ИЖТИМОЙИ-АҲЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ**

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2010

Мухаррир: *М.Ҳайитова*  
Техник муҳаррир: *А.Мойдинов*  
Мусахҳих: *Г.Каримова*

*Тақризчилар:*  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
*И.Ҳошимова*

фалсафа фанлари доктори  
*Ш.Мадаева*

фалсафа фанлари номзоди, доцент  
*М.Усмонов*

доцент  
*Абдулла Шер*

филология фанлари номзоди, доцент  
*И.Ёқубов*